

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ
КОМПЬЮТЕРДА ЛОЙИХАЛАШ”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент - 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва
дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.н., доц. Д.Халматов
ТТЕСИ Кат. ўқит, З. Мухаммадиев
ТТЕСИ асс.. Ф.Сирожиддинов
ТТЕСИ асс.. Н.Наврузов

Тақризчилар: хорижий эксперт Hwan Ki Lee Жанубий Корея
KOICA маслаҳатчиси, профессор
ТТЕСИ илмий ишлар бўйича проректори А.Гуламов

*Ўқув -услубий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги
1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	46
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ	75
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	77
VII. ГЛОССАРИЙ	79
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	81

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш, амалий хорижий тил, маҳсулот сифати менежменти ва тизимли таҳдил, қарор қабул қилиш асослари модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда корхонанинг технологик жараёни, корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва уларда бажариладиган операцияларни лойиҳалаш. Технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш. Технологик машиналарни замонавий усулларда лойиҳалаш. Технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалаш. Замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш усуллари ва уларнинг афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш модулининг **мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: корхонанинг технологик жараёнини замонавий компьютер воситалари ёрдамида лойиҳалаш

Модулнинг вазифаси: Корхонанинг технологик жараёни, корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш, маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва уларда бажариладиган операцияларни лойиҳалаш, технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш, технологик машиналарни замонавий

усулларда лойиҳалаш, технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалаш, замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш усуллари ва уларнинг афзалик ва камчиликлари ўрганиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Корхона технологик жараёнларини лойиҳалаш усуллари ва воситаларини;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва опреацияларини лойиҳалашни;
- технологик жараёнларни лойиҳалашни усул ва воситаларини афзалик ва камчиликлари ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- технологик жараёнларни лойиҳалашда замонавий ахбороткоммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- технологик машина ва деталларини компьютер технологияларидан фойдаланиш;
- технологик машиналарни ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича кетма-кетлигини лойиҳалаш **қўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- технологик машиналарни замонавий усулларда лойиҳалаш;
- замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида технологик жараёнларни лойиҳалаш;
- корхонанинг технологик жараёнини ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, лойиҳа, «Хулосалаш» (Резюме, Beep) ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш” модули мазмуни ўқув режадаги маҳсус фанлар блокидаги ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг технологик жараёнларни замонавий ахборот коммуникация воситалари ёрдамида лойиҳалаш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар маҳслот ишлаб чиқариш технологик жараёнини компьютерда лойиҳалаш, лойиҳалаш усулларини амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан, назарий	амалий машғулот
			Жами			
1.	Компьютерда лойиҳалаш тизимларининг турлари	2	2	2		
2.	КОМПАС-3D дастури интерфейси билан танишиш. Инструментлар панели, кенгайтирилган командалар панели, кесма хосил қилиш ва уларни таҳтирилаш командалари.	2	2	2		
3.	Чизма ва графикларни компьютерда бажариш учун керак бўладиган анжомлар. AutoCadни юклаш.	2	2		2	
4.	Айлана бўйича нусха кўчириш	2	2		2	

5.	Кўпбурчакли фигура чизиш	2	2		2	
6	Автоматлаштирилган лойҳалаш ва бошқариш тизимларидаги иш жойларининг қурилмалари (аппаратура)	2				2
7	Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари	2				2
	Жами:	14	12	4	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Компьютерда лойиҳалаш тизимларининг турлари.

Компьютерда лойиҳалаш тизимиning математик таъминоти. Тўқимачилик саноатида инсон ва компьютер мулоқоти. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning информацион таъминоти. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning техникавий таъминоти. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning лингвистик таъминоти. Auto Cad амалий дастурлар тўплами. Инсон ва компьютер мулоқотининг асосий принциплари. Тўқимачилик саноатида инсон меҳнати усуллари аҳамияти

2-мавзу: КОМПАС-3D дастури интерфейси билан танишиш.

Инструментлар панели, кенгайтирилган командалар панели, кесма хосил қилиш ва уларни таҳрирлаш командалари.

КОМПАС-3D системаси. Система интерфейси. Ойнада хужжатни тасвирлашни бошқариш. КОМПАС-3D системасида қуйидаги хужжатларни хосил қилиш. Йигилмаган якка ҳолдаги модел. График хужжатнинг қўшимча типи. Дастурни ишга тушириш барча дастурларни ишга тушириш

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Чизма ва графикларни компьютерда бажариш учун керак бўладиган анжомлар. AutoCadни юклаш.

AutoCADда кесма чизиш буйруги ва ундан фойдаланиш алгоритми. Экрандаги кесма вазиятини ўзгартириш амали ва ундан фойдаланиш алгоритми. Кесмага ранг бериш буйруги ва ундан фойдаланиш алгоритми. Кесмага тус

бериш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми. Кесмани йүғонлаштириш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми.

2-амалий машғулот:Айланың бүйича нұсха күчириш.

1. А4 форматда фазовий моделни хосил қилиш. Нұсха күчириш. Үлчамларни қўйиш. Асосий ёзувларни ёзиш. Ёзувларга ранг бериш. Пластиинанинг фазовий моделини қуриш. График хужжатларда умумий қабул ишлари.

3-амалий машғулот:

Кўпбурчакли фигура чизиш.

Геометрик объектлар ва уларни танлаш усуллари, Үлчамлар ва белгилашлар, Чизмаларни таҳрирлаш ва яратиш, Эскизлар билан ишлаш: эскиз яратиш. Айланалар орқали тутушмалар чизиш

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бүйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаш олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бүйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бүйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

"ЛОЙИХА" МЕТОДИ



ТИНГЛОВЧИЛАРНИ
муайян муаммони
ешишга
йўналтирилган,
мустақил тадқиқот
олиб боришни кўзда
тутувчи методдир.

«ЛОЙИХА» методининг тузилмаси



“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

Лойиҳаловчи тизимлар					
Анъанавий усул		Auto CAD		КОМПАС-3D	
афзаллиги	камчиллиги	афзаллиги	камчиллиги	афзаллиги	камчиллиги

Хулоса:

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Лойиҳалаш	Объектнинг бирламчи баёни ва (ёки) уни мавжуд қиласидаган алгоритм асосида берилган шароитда ҳам мавжуд бўлмаган объектини яратиш учун зарур бўлган баёнини тузиш жараёнидир	

Информацион таъминоти	лойиҳалаш жараёнида лойиҳавий ечимларни бевосита ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган маълумотлар	
Техникавийтаъминот	Автоматлаштирилган лойиҳалашн ибажариш учун мўлжалланган ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир қилувчи техникавий воситалар мажмуи	
График тизим	Чизма график ишлари учун мўлжалланган тизим	
Ишчиграфик зона	Бу экраннинг ўртасида жойлашган асосий жабҳа, у ерда чизма бажарилади	


Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Балиқ скелети” методи

методини самарали амалга ошириш қоидалари:

- А) берилган ғоялар баҳоланмайди;
- Б) фикрлашга тўлиқ эркинлик берилади;
- В) берилаётган ғоялар миқдори қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- Г) мавзу асосидаберилган ғояларни ёзиб, кўринадиган жойга осиб қўйиш зарур;
- Д) берилган янги ғояларни яна тўлдириб, қатнашчилар рағбатлантирилиши лозим;
- Е) қатнашчилар ғоялари устидан қулиш, кинояли шарҳлар ва майна қилишларга йўл қўйилмаслиги шарт;
- Ж) янги-янги ғоялар туғилаётган экан, демак ишни давом эттириш керак.

«Балиқ скелети» методи



III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР

1-мавзу. Компьютерда лойиҳалаш тизимларининг турлари.

Режа:

- 1.1. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning математик таъминоти.
- 1.2. Тўқимачилик саноатида инсон ва компьютер муроқоти.
- 1.3. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning информацион таъминоти.
- 1.4. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning техникавий таъминоти.
- 1.5. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning лингвистик таъминоти.
- 1.6. Auto Cad амалий дастурлар тўплами.

Таянч иборалар: алгоритм, элемент, объект, жараён, модель, комплекс, микрофильм, пиктограмма, экстремум

1.1. Компьютерда лойиҳалаш тизимиning математик таъминоти

Компьютерда лойиҳалаш тизими математик таъминоти асосини алгоритмлар ташкил қилади; бу алгоритмлар бўйича компьютерда лойиҳалаш тизимиning дастуравий таъминоти ишлаб чиқилади. Компьютерда лойиҳалаш тизимида математик таъминотнинг элементлари ҳар хил бўлади. Улар ичида инвариант элементлар – функционал моделларни тузиш принциплари, алгебраик ва дифференциал тенгламаларнинг сонли ечими методлари, Экстремал масалаларни қўйиш, экстремумни қидиришлар мавжуд. Математик таъминотни ишлаб чиқиши компьютерда лойиҳалаш тизими яратищдаги энг мураккаб босқичдир. Компьютерда лойиҳалаш тизими унумдорлиги ва ишлашининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ.

Компьютерда лойиҳалаш тизими дифференциал тенгламаси вазифаси ва амалга ошириш усуллари бўйича икки қисмга бўлинади:


- 1) математик методлар ва улар асосида тузилган, лойиҳалаш объектларини тавсифловчи математик моделлар;
- 2) автоматлаштирилган лойиҳалаш технологиясининг формалашган баёни.

Математик таъминот биринчи қисмини амалга оширишнинг усуллари ва воситалари турли компьютерда лойиҳалаш тизимишарда ўзига хослиги билан ажралиб туради ва лойиҳалаш объектларининг хусусиятларига боғлиқ. Математик таъминотнинг иккинчи қисмига келсақ, автоматлаштирилган лойиҳалаш жараёнларини формалаштириш мажмуи, алоҳида лойиҳалаш

масалаларини алгоритмлаш ва дастурлашга нисбатан ҳам мураккаб масала экан. Бу масалани ечишда лойиҳалаштириш технологиясининг мантиқий бутунлигича, жумладан автоматлаштириш воситаларидан фойдаланиш асосида лойиҳаловчиларнинг бир-бири билан мулоқоти мантиқи, формалаштирилиши керак. Ушбу турдаги масалаларни ечишга мос келадиган тизимлар умумий назариясининг методлари ва ҳолатлари кўрилаётган соҳада ҳозирча қўлланилишини топмади. Лойиҳалашни автоматлаштириш бўйича ишлар кўп ҳолатларда лойиҳалаш методологиясининг такомиллашмаганлигини намоён қилди ва бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича масалаларни ечиш заруратига олиб келди. Лойиҳалаш метадологиясини такомиллаштириш ва ривожлантириш консепсиясига турли муаллифларнинг қарашлари бир нарсада бир-бирига ўхшаш: лойиҳалаш асосида тизимли ёндошув ётиши керак. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг математик таъминоти лойиҳалашни автоматлаштиришнинг обьекти, жараёни ва воситаларини ўзаро боғлиқликда баён қилиши лозим. Ҳозирги пайтда ушбу масалани ечиш учун тайинли назарий база бўлмаганлиги учун, амалда турли математик методларнинг мураккаб тизимларини моделлаш воситалари ягона комплексга интеграсиялашиши жараёни бормокда.

1.2. Тўқимачилик саноатида инсон ва компьютер мулоқоти

Инсон-машина тизими. ЭХМ ёрдамида ҳамма тузилган ва тузилаётган лойиҳалаш тизимлари автоматлаштирилган тизимларга киради. Уларда лойиҳани техникавий воситалар ёрдамида ишлаётган инсон - муҳандис салоҳиятли ўрин эгаллайди. Лойиҳалаш тизимида инсон биринчидан формализация қилинмаган масалани ва иккинчидан инсоннинг эврестик қобилияtlари асосида самаралироқ ечиладиган масалаларни ечади.



1.Расм. Инсон ва компьютер мулоқотининг асосий принциплари.

Инсон ва компьютер тизими ривожланишининг 4 та асосий босқичлари мавжуд: (1) тахлил, (2) лойиҳалаш, (3) эскиз, (4) фикр мулоҳаза.

Юқорида келтирилган расмда инсон ва компьютер тизимининг тузилиши келтирилган.

1. Тахлилнинг талаблари

- истеъмолчилар талабларидан келиб чиқсан ҳолда мақсад қўйиш.
- истеъмолчилар талабларини қондириш ва талабларни бажариш учун эришиш.
 - Фойдаланилаётган компьютер тизими версиясини баҳолаш (Агар мавжуд бўлса).
 - Рақобатбардошликни тахлил қилиш.
 - Сўровномалар асосида истеъмолчилар тингловчиларини танқидий ўрганиш.

2. Лойиҳалаш

• объекtnинг бирламчи баёни ва (ёки) уни мавжуд қиласиган алгоритм асосида берилган шароитда ҳам мавжуд бўлмаган объектни яратиш учун зарур бўлган баёнини тузиш.

• берилган талабларга жавоб берадиган, янги буюмни яратиш ёки янги жараённи амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган лойиҳаланадиган предмет баёнини олиш мақсадидаги изланиш, тадқиқот, ҳисоб ва конструксиялаш бўйича ишлар мажмуини ўз ичига олиш.

• маълум соҳада тўпланган тажриба ва қўнималардан фойдаланишга асосланган, лекин сермашаққат оддий ишларни бажариш зарурати бўлган инсон бунёдкорлик фаолиятининг мураккаб, ўзига хос тури.

3. Эскиз

- Визуал макетлар ва интерактив эскизлар тизимини яратиш.
- Тахлил қилинган усулнинг қулайлигини баҳолаш.
- Натижалардан фойдаланиб қўпроқ макетлар яратиш.
- Мақсадга эришгунга қадар жараёнларни қайта-қайта бажариш дизайн ва фойдаланиш даражасини юқори кўрсаткичга эриштириш.


4. Фикр-мулоҳаза

- Функциональ имкониятларни тестлар, сифатни бошқариш ва тажрибалар асосида баҳолаш.

- Олинган натижаларни маҳсулот сифатини яхшилаш учун қўллаш.
- Мақсад амалга ошмагунча жараёнларни тақрорлаш.
- Истеъмолчилар билан доимий алоқада бўлиш.
- Қайта алоқа натижасида маҳсулотлар учун янги талаблар ва маҳсулотни тақомиллаштириш.

Тўқимачилик саноатида инсон меҳнати усуллари аҳамияти

Келажакда тўқимачиликни ривожлантиришда инсон меҳнати аҳамиятига енгил қарамаслик керак эмас. Бу қўрсатилган лойиханинг катта улушидир¹.



¹ Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет

1.3. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг информацион таъминоти

Лойиҳаловчилар лойиҳалаш жараёнида лойиҳавий ечимларни бевосита ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган маълумотлар Компьютерда лойиҳалаш тизими информацион таъминоти асосини ташкил қиласди. Ушбу маълумотлар турли олиб юрувчи (носитель)лардаги у ёки бу кўринишдаги ҳужжатлар кўринишида тақдим қилиниши мумкин; бу олиб юрувчиларда материаллар комплектловчи (бутловчи) буюмлар, намунавий лойиҳавий ечимлар, элементлар параметрлари ҳақидаги маълумот (справка) тавсифидаги ахборотлар ҳамда оралиқ ва натижавий лойиҳавий ечимлар, лойиҳаланаётган объектлар структураси ва параметрлари ва шу кабилар кўринишидаги жорий ишламаларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Бунда бир ўзгариш натижаси бўлган маълумотлар бошқа жараён учун бошланғич маълумот бўлиши мумкин. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг ҳамма компонентлари томонидан фойдаланиладиган маълумотлар мажмуи Компьютерда лойиҳалаш тизими информацион фондини ташкил қиласди. Компьютерда лойиҳалаш тизими информацион таъминотининг асосий функцияси – информацион фондни бошқаришdir, яъни маълумотларга кира олишни ҳосил қилиш, қўллаб-қувватлаш ва ташкил қилишни таъминлайди. Шундай қилиб компьютерда лойиҳалаш тизими информацион таъминоти – информацион фонд ва уни бошқариш воситаларининг мажмуидир.

1.4. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг техникавий таъминоти

Компьютерда лойиҳалаш тизимининг техникавий таъминоти – автоматлаштирилган лойиҳалашни бажариш учун мўлжалланган ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир қилувчи техникавий воситалар мажмуидир.

Компьютерда лойиҳалаш тизимининг исталган ҳисоблаш комплектлари қўйидагиларни етарли миқдорда ўз ичига олиши керак: информацияни киритиш ва чиқариш периферия қурилмалари, график кланшетали ва электрон пероли графикли ва алфавитли-рақамли дисплейлар (GD ва APD), ҳар хил форматли юқори аниқли рулонли ва планшетали графкурувчилар, график информацияни кодловчилар, сканерлар, принтерлар, магнитли дискларда тўпловчи (накопитель)лар (МДТ), лазерли дискларда тўпловчилар, 200...500 Гбайт ҳажмли «Винчестер» типидаги дисклардаги тўпловчилар (2003 йилги ҳолат), функционал клавиатуralар, информацияни микрофилм ва микрофишларга чиқарувчи қурилмалар, юқори даражадаги ЭҲМ билан боғланиш қурилмалари.

1.5. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг лингвистик таъминоти

Компьютерда лойиҳалаш тизими лингвистик таъминоти асосини маҳсус тил воситалари (войиҳалаш тиллари) ташкил қиласди; улар автоматлаштирилган лойиҳалаш протседураларини ва лойиҳавий ечимларни баён қилиш учун мўлжалланган. Лингвистик таъминотнинг асосий қисми – инсоннинг ЭҲМ билан мулоқот қилиш тиллари. Лойиҳалашнинг муаммоли-йўналган тиллари (МЙТ) лойиҳалашнинг алгоритмик тилларига (Visual Basic, Visual C++, Delphi, Java, Visual Fox Pro ва х.к.) ўхшаш. Баъзи масалани ечиш топшириғи асосан физиковий ва функционал мазмундаги оригинал атамаларни ўз ичига олади. Масаланинг физиковий ва функционал баёниданни ЭҲМ учун дастурларга ўтиш сўнгра транслятор ёрдамида автоматик равишда амалга ошади. Бошқа ҳолларда масалан, муҳандислик типидаги масалаларни ечишда, дастурий таъминот ўзида ҳисобий математик масалаларни ечиш учун юқори даражали алгоритмик тил воситаларини ва геометрик обьектларни моделлашнинг маҳсус тил воситаларини бирлаштиради. Юқори даражали алгоритмик тил транслятори зарур бўлган маҳсус дастурлар билан тўлдирилади.


Дастурий таъминот тиллар деб номланса ҳам, амалда лингвистик ва дастуравий воситалар комплексини ифода этади. Улар қўйидаги воситаларни ўз ичига олиши керак: МЙТ терминал символларининг тўплами; МЙТдан интерпретация қилувчи; синтаксистик таҳлил воситалари; директиваларни пакетлаш воситалари; МЙТ базавий функцияларининг қутубхоналари; МББТ билан боғланиш интерфейси.

1.6. AUTOCAD амалий дастурлар тўплами

График тизим AutoCAD 2007 Windows XP операцион тизимда ишга туширилади. Юкландан кейин экранда 1-расмда тасвирланган ишчи макон (пространство)ни танлаш диалог дарчаси пайдо бўлади.

Унда AutoCAD Classik (Классик стиль/Классик стил) ёки 3D Моделинг (3D моделирование/3D моделлаш) интерфейсларни танлаш мумкин. Даствор AutoCAD Klassik пунктни танлаймиз, чунки биз икки ўлчамли маконни ўзлаштиришдан бошлаймиз.

Сўнгра дарча пайдо бўлади, унинг ёрдамида дастурнинг янги функциялари билан танишиш мумкин. Унда Yes (Да/Ха), Maybe Later (Позже/Кейин) ёки No, Don't me this again (Больше не показывать это окно/Бу дарча бошқа кўрсатилмасин) улаб-узгичларидан бирини танланг ва OK тугмасини босинг.



1-расм. Ишчи маконни танлаш дарчаси

Кейин Startup (Начало работы/Иш бошланиши) диалог дарчаси пайдо бўлади. Бу диалог дарчасининг пайдо бўлиши ёки бўлмаслиги Tools => Options (Сервис => Настройки/Сервис => Ўрнатиш) командаси билан бошқарилади, Startup рўйхатидаги General options (Общие параметры/Умумий параметрлар) бўлимнинг System (Система/Тизим) иловасида Show Startup dialog box (Показывать диалоговое окно начало работы/Иш бошланиши диалог дарчасини кўрсатиш) ни танлаймиз¹.

Яна шуни қайд қилиш керакки, индамаслик (по умолчанию) бўйича ишчи зона қора рангга эга бўлади. Қулай бўлишлиги учун ишчи зонанинг рангини қорадан оқقا (ёки сизга ёқсан бошқа рангга) алмаштириш тавсия этилади.

Display (Экран) иловасидаги Tools => Options (Сервис => Ўрнатиш) командасини танланг ва Colors (Света/Ранглар) кнопкасида шиқиллатинг. Кейин Drawing Window Color (Окно светов чертежа/Чизма ранглари дарчаси) очилади – 2-расм. Ушбу диалог дарчасида экраннинг ҳар бир элементи учун ранг ўрнатиш мумкин.


Индамаслик бўйича икки ўлчамли ишчи зонанинг ранги рўйхатда биринчи бўлиб топилади, шунинг учун Color (Ранг) майдонида White (Белый/Оқ) қаторни

¹ AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет

танланг. Apply&Close (Применить и закрыть/Кўлланг ва беркитинг) кнопкасида босиб диалог дарчасини ёпинг.


Startup (Иш бошланиши) диалог дарчаси ёрдамида мавжуд чизмани очиш ёки янгисини яратиш мумкин. Биринчи ҳолда Open a Drawing (Открыть чертеж/Чизмани очиш) кнопкасида, иккинчи ҳолда эса – Старт фром Стратч (Начать с нуля/Нулдан бошлансин), Усе а Темплате (По шаблону/Шаблон бўйича) Усе а Визард (Использовать мастера/Устадан фойдаланиш) кнопкасида босилади. Бу диалог дарчаси кейинчалик File => New (Файл => Новый/Файл => Янги) командаси бажарилишида ҳам пайдо бўлади.

Старт фром Стратч (Начать с нуля/Нулдан бошлаш) режими ва метрлик тизимлар бирлиги танлангандан сўнг AutoCAD қўшимча қўрсатмаларсиз янги чизма учун ишчи экранни очамиз. Чизишни бошлашдан олдин AutoCAD редакторининг ишчи дарчаси (график интерфейси) билан танишамиз.



2-расм. Ишчи зона рангини танлаш дарчаси

Startup (Иш бошланиши) диалог дарчаси 3-расмда қўрсатилган.



3-расм. Startup (Иш бошланиши) диалог дарчаси


Фойдаланувчининг ишчи столи

AutoCAD 2007 нинг ишга туширилган ишчи дарчаси 4-расмда кўрсатилган. Бунда сарлавҳа қаторида (Экраннинг чап юқори бурчагида) бўлажак чизмага автоматик тарзда берилган файл номи – Drawing 1 пайдо бўлади.

Экранда тўртта функционал зонани ажратиш мумкин:

Ишчи график зона – бу экраннинг ўртасида жойлашган асосий жабҳа, у ерда чизма бажарилади. Зонанинг чап паstdаги бурчагида фойдаланувчи фойдаланувчи координаталар тизимининг пиктограммаси жойлашади. Стрелкалар йўналиши ўқларнинг мусбат йўналишига мос келади.

Тизимий меню ва инструментлар панели. Энг юқорида сарлавҳа қатори, унинг остида эса – AutoCAD тизимий менюсининг қатори жойлашади. Пастроқда инструментлар панеллари эгаллаган иккита қатор жойлашади. Ишчи зонадан чап тарафда инструментларнинг «сузувчи» панеллари **Draw** (Рисование/Чизиш), **Modify** (Редактирование/Тахир қилиш), ўнгда эса – **Dimension** (Размеры/ Ўлчамлар) жойлашади. Уларни экраннинг исталган жойига силжитиши мумкин. AutoCAD яна бошқа кўп инструментлар панеллари бор, улар зарурат бўйича чакирилади.



4-расм. AutoCAD 2007 нинг ишчи дарчаси

Команда қатори. Ишчи график зона остида команда қатори жойлашади. AutoCADнинг исталган командасини, унинг номини команда қаторида териб, ишга тушириш мумкин. Агар команда инструментлар панели пиктограммаси ёки меню пункти воситасида ишга туширилган бўлса, команда қаторида тизимнинг мос командасига реакцияси акс эттирилади. Бундан ташқари клавиатурадан киритиладиган ҳамма нарса ўша заҳоти команда қаторида акс эттирилади. Агар билмасдан бошқа команда чакирилган ва жорий командани бекор қилиш зарур бўлса, клавиатурадаги **esc** клавиатурасини босиш мумкин.

Холат қатори. Холат қаторида хоч (сичқон кўрсаткичи) нинг жорий координаталари акс эттирилади.¹


Базавий характеристикаларни яхшироқ тушуниш учун кесма кўринишидаги график примитивни келтирилган инструкция бўйича чизишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Тўғри чизик кесмасини чизиш

1. Инструментлар панели **Draw** (Рисование/Чизиш)да **Line** (Отрезок/Кесма) пиктограммасини (уни сичқон кнопкасини босиб) танланг (5-расм) ёки команда қаторидан киритинг. Бунда команда қаторида қуйидаги командани киритишга таклиф пайдо бўлади:

¹ AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет

Command: Line Spisphy First point: (Команда: Отрезок. Определить первую точку/Команда: Кесма. Биринчи нұқта аниқлансын).



5-расм. Түрі чизик кесмасини чизиш

2. Кесма биринчи нұқтасининг координаталари X ва Y ни, сүнгра иккинчи нұқтасининг координаталарини бўш жой қолдирмасдан (пробелсиз) вергул билан киритисин:

Command: Line Spisphy First point: 50, 50 enter (Команда: Отрезок. Определить первую точку: 50, 50 enter/Команда: Кесма. Биринчи нұқта аниқлансын: 50, 50 enter);

Spisphy next point up [Undo]: 100, 150 enter (Определить следующую точку или [Отменить]: 100, 150 enter/Кейинги нұқта аниқлансын ёки [бекор қилинсин]: 100, 150 enter);

Spisphy нехт поинт ор [Ундо]: enter (Определить следующую точку или [Отменить]: enter/Кейинги нұқта аниқлансын ёки [бекор қилинсин]: enter).¹

Кесмани үчириш

¹ AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет

Курилган кесма кўрсатилсин, яъни кесмада мўлжалга олиш хочи (маркер)ни ўрнатинг ва сичқон чап кнопкасини босинг. Бунда кесма пунктир билан ажратиб кўрсатилади ва унинг охирларида эса «ручкалар» пайдо бўлади.


Клавиатурадаги **Delete** клавишиси босилсин ёки сичқон билан **Modify** (Редактирование/Таҳрирлаш) инструментлар панелида **Space** (Стереть/Ўчириш) пиктограммасини кўрсатинг. Кесма йўқолади.

AutoCAD исталган

бажарилган командани ёки командалар грухини бекор қилиш имкониятини беради. Йўқотилган тасвирни тиклаш учун инструментлар панелининг юқориги қаторида чап стрелка **Undo** (Отмена/Бекор қилиш) пиктограммасида сичқонни шиқиллатинг(1.5-расм).

Киритишнинг динамик режими

AutoCAD 2007 да маълумотларни динамик киритиш режими мавжуд. Ҳолатлар қаторида **DYN** (ДИН) кнопкаси босилганда динамик киритиш Dynamic Input (Динамический ввод/Динамик киритиш) режими уланади(6-расм).



6-расм. Динамик режимда тўғри чизиқ кесмасини чизиш

Юқорида баён қилинган команда динамик режимда бажарилишида курсор ёнида йўриқлар қатори пайдо бўлади (6-расм). Унга нуқта координаталарини киритиш учун команда сўрови акс эттирилади. Динамик киритиш режими пайдо бўлиши билан (AutoCAD 2006 дан бошлаб) редактор ишчи дарчасининг пастдаги чап бурчагидаги координаталар панели (4-расмга қаранг) ўз аҳамиятини йўқотади, чунки у ерда ҳам шу информация тақорорланади.

Динамик киритиш режимининг икки тури мавжуд: **Pointer input** (Задание точки ее координатами/Нуқтанинг унинг координаталари орқали бериш) ва **Dimension Input** (Задание точки ее расстоянием и углов/Нуқтани масофа ва бурчак орқали бериш). Бу режимлар **Tools => Drafting Settings** (Инструментлар => Боғлаш параметрлари) диалог дарчаси ёрдамида ўрнатилади.

Хозирча биз киритишнинг классик режимида ишлаймиз, шунинг учун ҳолат қаторидаги **DYN** (ДИН) кнопкасини босиб, динамик киритиш режимини узиб қўямиз.

Чизмани сақлаш

Инструментлар панелининг юқори қаторида **File** (Файл) менюсини шиқиллатинг, чиқаётган рўйхатдан **Save Drawing us** (Сохранить как/Каби сақланг)ни танланг. Экранда танланган дискдаги папкалар рўйхатиلى **Save Drawing us** диалог дарчаси пайдо бўлади.

Папкани чиқаринг ёки янгисини яратинг. **File name** (Имя файла/Файл номи) қаторида чизма номи – **Чертеж 1** ни киритинг ва ушбу дарчадаги **Save**(Сохранить/Сақлансин) кнопкасини босинг. AutoCADда яратилаётган чизмаларнинг ҳамма файлларга автоматик тарзда кенгайиш .dwg берилади.

Тизимдан чиқиши

Тизимдан чиқиши учун қуйидаги амалларнинг биридан фойдаланиш мумкин:

Close (Закрыть/Беркитилсинг) кнопкасида сичқонни шиқиллатиш – хоч экраннинг ўнгдаги юқори бурчагида;

команда қаторида **Quit** сўзи терилади ва enter клавиши босилади;

менюда **File => exit** (Файл => Выход/Файл => Чиқиши) танланади.

Агар инфомация чизмада сақланмаган бўлса, AutoCAD уни сақлашни таклиф қиласди. **Yes** (Да/Ха) жавобини бериш бу таклифни қабул қилиш, **No** (Нет/Йўқ) жавобини бериш охирги ўзгаришларни сақламасдан тизимдан чиқиши ёки чиқишдан воз кечиб, **Cancel** (Отмена/Бекор қилиш) кнопкасини босиб чизмага қайтиш мумкин.

Меню ва инструментлар панеллари

AutoCAD командаларини чақириш меню ёки инструментлар панелларидаги пиктограммалар ёрдамида амалга оширилади. AutoCAD 2007

версиясида тизимиң меню қатори қуидаги чиқиб келувчи менюлардан таркиб топади:

File (Файл/Файл) – меню файл (чизма)ларни очиш, сақлаш, чоп қилиш, бошқа форматларга экспорт қилиш ва тизимдан чиқиш учун мүлжалланган;

Edit (Правка/Тузатиш) – ишчи зонада чизма кесимларини таҳрир қилиш (тузатиш) менюси;

View (Вид/Тур) – экранни бошқариш, варак ва модел маконлари режимларини узиб-улаш, уч ўлчамли моделлар учун кўриш нуқтасини ўрнатиш, тонировка қилиш, дисплей параметрларини бошқариш менюси;

Insert (Вставить/Киритиб ўрнатиш) – бошқа иловалардан блоклар ва объектларни киритиб ўрнатиш командаси менюси;

Tools (Инструменты/Инструментлар) – тизимни бошқариш воситалари, чизма параметрларини боғланишлар ва фойдаланувчи координаталар тизимини ўрнатиш менюси;


Draw (Черчение/Чизмачилик) – график примитивлар ва уч ўлчамли моделларни қуриш менюси;


Dimension (Размер/Ўлчам) – ўлчамларни бериш командаси менюси;

Modify (Редактирование/Таҳрир қилиш) – график объектларни таҳрир қилиш менюси;

Window (Окно/Дарча) – очилган чизма(файл)ларни бошқариш ва сортировка қилиш менюси;

Help (Справка/Маълумот) – маълумот менюси.





б)

7-расм. Draw (Черчение/Чизмачилик) менюси ва контекст менюси

7,а-расмда мисол тариқасида **Draw** (Черчение/Чизмачилик) чиқиб келувчи менюсининг бир қисми кўрсатилган. Уни экранда қўриш учун, курсор билан тизимий менюдаги **Draw** сўзини курсор билан кўрсатиш ва сичқонни шиқиллатиш лозим. Агар ўнг томонда қора учбурчак турган бўлса, экранга нимменюни ҳам чиқариш мумкин.

Контекстли меню

Контекстли меню жорий команда учун опциялар рўйхатига тез киришни таъминлади. Контекстли меню сичқон ўнг кнопкasi босилгандан кейин очилади. 7,б-расмда индамаслик бўйича контекстли меню келтирилган, у сичқон ўнг кнопкasi чизма жабҳасида босилгандан кейин очилади.

Тахрир қилиш режимининг контекстли менюси қандайдир объект (масалан, қурилган кесма) танлангандан кейин ва сичқоннинг ўнг кнопкasi босилгандан сўнг очилади (7,в-расм).

Инструментлар панеллари

Инструментлар панеллари танланган пиктограммада сичқонни оддий шиқиллатиш билан AutoCAD командаларини бажариш имконини беради. Инструментлар панеллари сузиг юрувчи ёки муайян бир жойга ўрнатилган бўлиши мумкин. AutoCAD 2007 да 40 яқин инструментлар панеллари мавжуд.

Инструментлар панелини чақириш

Тизими менюдан **View => Toolbars** (Вид => Панели инструментов/Тур => Инструментлар панели)ни танланг.

Пайдо бўлган **Systems User Interface** (Настройка интерфейса пользователя/Фойдаланувчи интерфейсини ўрнатиш) диалог дарчасидаги **Toolbars** (Панели инструментов/Инструментлар панели) қаторида исталган инструментлар панелини танлаш мумкин.

Ишчи столида экранни масштаблаш пиктограммалари бўлган чизгич пайдо бўлиши учун инструментлар панелидаги исталган пиктограммани ўнг кнопка билан шиқиллатиш ва контекстли меню рўйхатининг охирида **Zoom** (Масштаб) қаторини танлаш мумкин (8-расм).



8-расм. Экранни масштаблаш менюсининг пиктограммалари

Индивидуал фойдаланувчи учун AutoCADни ўрнатиш

Янги чизма устида ишлашдан олдин ишчи муҳитни ўрнатиш лозим, яъни чизма ишчи майдони ўлчамларини, ўлчов бирликларини бериш ва координаталар тизимини ўрнатиш керак ва х.к. Бунинг учун AutoCAD 2007 да ишчи муҳитни ўрнатиш уста(мастер)си мавжуд, у тизим юкланган заҳоти у очилади (**Startup**/Начало работы/Иш бошланиши – дарчаси). **Startup** диаграммасининг юқори қисмида (3-расм) тўртта қатор жойлашган:

Open a Drawing (Открыть чертеж/Чизмани очиш) – чизманинг мавжуд файлини очиш;

Start From Scratch (Начать с нуля/Нулдан бошлаш) – параметрлари индамаслик бўйича AutoCAD томонидан ўрнатиладиган янги чизмани яратиш;

Use a Template (Использовать шаблон/Шаблондан фойдаланиш) – янги чизмада илгари яратилган шаблонлар параметрларини ўрнатиш;

Use a Wizard (Использовать мастер/Устадан фойдаланиш) – янги чизма параметрларини ўрнатишнинг қадамба-қадам жараёнини ишга тушириш; бунда ўрнатишнинг иккита варианти: детали – **Advansed Setup** ва тезкор – **quick Setup** бўлиши мумкин.

Ишчи муҳит параметрларини ўрнатиш

Устанинг диалог дарчаси (9-расм) ишчи муҳит параметрларини ўрнатишнинг икки режимига эга. Параметрларни тезкор ўрнатиш икки босқичдан таркиб топган. У фақат чизма чегараларини ва масофаларни ўлчаш бирликларини бериш имконини беради.

Биз ишчи муҳит параметрларини деталли ўрнатиш **Advansed Setup** (Детальная настройка/Деталли ўрнатиш)дан бошлаймиз.


Деталли ўрнатиш беш босқичдан иборат. Ишчи муҳитнинг қуидаги параметрлари ўрнатилсан:

чизиқли катталиклар ўлчов бирлигининг тури **Units** ва уларнинг аниқлиги **Presition – Desimal** (Десятичные/Ўнли) тизими ва ўндан биргача аниқликни танланг, **Next** (Далее/Кейин) кнопкасини босинг (хар тўхтагандан кейин);


бурчак катталикларини тақдим этувчи форматлар **Angle** ва уларнинг аниқлиги – ўнлик тизимни танланг;

бурчак катталикларни ҳисоблаш учун база – East (Восток/Шарқ)ни ўрнатинг;

бурчак катталикларни ҳисоблаш йўналиши – соат стрелкасига тескари йўналишни танланг;



9-расм. Ишчи муҳит параметрларини ўрнатувчи устанинг диалог дарчаси чизма ишчи майдонининг чегаралари – А4 (210×297 мм –10-расм) формати ўлчашларини танланг, сўнгра диалог дарчасидан чиқиш учун **Finish** (Готово/Тайёр) кнопкасини босинг.



10-расм. Чизма майдони ўлчамларини ўрнатиш диалог дарчаси

Шуни қайд этиш лозимки, формат ўлчамларини **Format => Drawing Limits** (Формат => Границы чертежа/Формат => Чизма чегаралари).

Координаталар тизими

AutoCAD тизимида исталган график примитивни қуриш нуқталар кетмакетлигини беришга асосланган. Нуқталар координаталари абсолют ёки нисбий координаталар кўринишида киритилиши мумкин.

Абсолют координаталарни киритиш икки форматда амалга оширилади:

тўғри бурчакли (декарт) координаталари (X, Y);

қутб координаталари ($r < A$, бу ерда r – радиус, A – соат стрелкасига тескари йўналишда градусларда берилган бурчак).

Нисбий координаталар охирги киритилган нуқтадан X ва Y ўқлари бўйлаб силжиши беради. Нисбий координаталарнинг киритилиши абсолют координаталарни киритишга ўхшаш бажарилади, лекин уларнинг олдида @


белгиси қўйилади (@dx,dy – тўғри бурчакли тизим, @r<A – эса қутб тизими учун). Сичқон курсорининг жорий координаталари координаталар панелида ҳолатлар қаторида (Экраннинг чапдаги пастки бурчаги) акс эттирилади.

Кутб режимида чизиқлар турли бурчаклар остида ўтказилади, ортогонал режимда эса чизиқлар фақат координаталар ўқлари бўйлаб ўтказилади. Бир режимдан иккинчисига ўтиш ҳолатлар қаторидаги **ORTHO** (ОРТО) ва **POLAR** (Полярный/Қутбий) команда кнопкаларини сичқонни босиш билан амалга оширилади.

Ромбни чизиш

«1 Чертеж» файлы очилсин (агар у ёпилган бўлса). Инструментлар панели **Draw** (Рисование/Чизиш)даги **Line** (Отрезок/Кесма) пиктограммасини танланг (5-расм) ва унда сичқон кнопкасини шиқиллатиб, уни очинг. Бунда команда қаторида қуидаги командани киритишга таклиф пайдо бўлади: **Command: line spesifhy first point:** (Команда: Отрезок. Определить первую точку:/Команда: Кесма. Биринчи нуқта аниқлансин:).

Кейин клавиатурадан, 11-расм команда қаторидаги листингга мувофиқ, пробел қолдирмасдан X ва Y координаталари киритилсин.



11-расм. Ромбни чизиш

Координаталарни боғлаш

Сичқон ёрдамида нуқталар координаталарини аниқ киритиш учун AutoCADда маҳсус командалар мавжуд:

қадамли боғлаш **SNAP** – нүкталар координаталарини тасаввурдаги сетка узелларига боғлаш режими (команда қаторидаги **GRID** (СЕТКА) кнопкаси ёрдамида сеткани күринадиган қилиш мумкин), бу режимда сичқон курсори фақат сетка узеллари бўйлаб силжийди;


объектли боғлаш **OSNAP** – координаталарни яратиб бўлинган объектнинг ҳар хил нүкталарига боғлаш.

Холат қаторидаги мос нүкталар ёрдамида бу режимларни улаш ёки узиш мумкин. Боғлашлар характеристикаларини **Tools => Drafting Settings** (Сервис => Параметры привязки/Сервис => Боғлашлар параметрлари) диалог дарчасида қуидаги қистирма (закладка)лардан бирини ўрнатиб созлаш мумкин:

Snap and Grid (Привязка и сетка/Боғлаш ва сетка) – боғлаш ва сетка параметрларини ўрнатиш учун (1.12-расм);


Object Snap (Объектная привязка/Объектга боғлаш) – объектга боғлаш параметрларини ўрнатиш учун (1.13-расм).

Диалог дарчасини чақириш учун менюдан **Tools => Drafting Settings** (Инструменты => Параметры привязки/Инструментлар => Боғлаш параметрлари)ни танлаш керак.



Расм. 12. **Drafting Settings** (Параметры привязки/Боғлаш параметрлари) диалог дарчаси,

Snap and Grid (Привязка и сетка/Боғлаш ва сетка) қистирмаси



13-Расм. Drafting Settings (Параметры привязки/Боғлаш параметрлари) диалог дарчаси,

Object Snap (Объектная привязка/Объектга боғлаш) қистирмаси

Экранни бошқариш

Чизма элементлари билан ишлаш қулай бўлиши учун AutoCADда экрандаги тасвири бошқаришнинг турли командалари мавжуд. Уларнинг барчаси **View** (Вид/Тур) менюсида жойлашган. **Zoom** (Масштаб) командаси экрандаги тасвир масштабини бошқаради. Масштаб катталаштирилганда экрандаги ҳамма элементлар, гўё фойдаланувчига яқинлашгандек, катталашади. Масштаб кичиклаштириб берилгани сари тасвир майдонига чизманинг тобора кўпроқ қисми тушади. **Zoom** (Масштаб) командасининг опцияларини инструментларнинг стандарт панелидаги пиктограммалар ёрдамида чақириш мумкин (1.8-расмга қаранг). Куйида бу команданинг асосий опциялари келтирилган:



– **Zoom Window** (Увеличить до окна/Дарчагача катталаштирилсин). Опция рамка ёрдамида масштабланаётган тасвир чегараларини бериш имконини беради;



– **Zoom In** (Увеличить/Катталаштирилсін). Опция сичқон пиктограммада ҳар шиқыллатилганида тасвирни иккі марта катталаштиради;



– **Zoom Out** (Уменьшить/Кичиклаштирилсін). Опция сичқон пиктограммада ҳар шиқыллатилганида тасвирни иккі марта кичиклаштиради;



– **Zoom All** (Показать все/Хаммаси құрсағылсін). Опция тасвирни шундай масштаблайды, чизма өзегерелесінде экраннинг график зонаси билан устма-уст тушади;



– **Zoom extents** (Показать все объекты/Хамма объектлар құрсағылсін). Опция чизмада мавжуд бўлган ҳамма график элементларни қўрсатиш имконини беради;



– **Zoom PreView** (Предыдущий масштаб/Олдинги масштаб). Опция масштаблашнинг олдинги параметрларини тиклади;



– **Zoom Realtime** (Масштаб в реальном времени/Реал вақт масштаби). Опция экрандаги тасвир масштабини бошқаради;



– **Pan Realtime** (Перемещение в реальном времени/Реал вақтда силжиш). Опция панорамалашни бошқаради.

View => ReDraw (Вид => Перерисовать все/Күрниш => Хаммаси қайтадан чизилсін) командаһы экрандаги тасвирни қайтадан чизиш имконини беради.

Назорат саволлари:

1. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг математик таъминоти түшүнтириңг.
2. Тұқымачилик саноатида инсон ва компьютер мұлоқоти схематик тарзда таърифлаб беринг.
3. Компьютерда лойиҳалаш тизимининг техникавий таъминотини изоҳланг.
4. AutoCAD дастурида амаллар бажариш тартибини кўрсатинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.

2. Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
3. Ахмедов А., Мирзаев М. «Компьютерная графика в системе AutoCAD» учебное пособие Т:ТИТЛП 2004.

2-мавзу: Компас-3D дастури интерфейси билан танишиш. инструментлар панели, кенгайтирилган командалар панели, кесма хосил қилиш ва уларни таҳирлаш ,буйруқлари.

Режа:

- 2.1.КОМПАС-3D системаси.
- 2.2. Система интерфейси.
- 2.3. Ойнада хужжатни тасвирлашни бошқариш.

Таянч иборалар: детал, штамп, чизма, график, фрагмент, пецификация, матнли хужжат, иичи стол, асосий чизик.

2.1. КОМПАС-3D системаси.

КОМПАС-3D дастурий пакети турли тармоқларда автоматлаштирилган лойиҳалаш ишларини олиб бориш учун ишлатилади.



1. КОМПАС-3D системасида қуйидаги хужжатларни хосил қилиш мумкин:

Уч ўлчовли моделлар:

- 1) Деталь – йиғилмаган якка ҳолдаги модел. Бу хужжат кенгайтмаси – .m3d га teng.
- 2) Йифма – бир нечта деталлар йиғиндисидан хосил бўлган модел. Кенгайтмаси – .a3d га teng.



График хужжатлар:

- 1) Чизма – штампли чизма жойлашган график хужжат. Кенгайтмаси - .cdw га teng.



Фрагмент – график хужжатнинг қўшимча типи. Кенгайтмаси – .frw га teng.



Матнли хужжатлар:

- 1) Спецификация – йиғма хақида маълумотлар йиғилган хужжат.
Кенгайтмаси – .spw га тенг.



- 2) Матнли хужжат – матнли маълумотлар ёзилган хужжат.
Кенгайтмаси - .kdw га тенг.



2.2. Система интерфейси


Дастурни ишга тушириш барча дастурларни ишга тушириш билан бир хилдир, яъни Пуск→ Программы→АСКОН→КОМПАС-3D V8→КОМПАС-3D V8 ёки ишчи столдаги ярлықда сичқончанинг чап тугмачасини икки марта тез босиш керак (1-расм).



1-расм.


Дастур ишга туширилган сўнг дастур бош ойнасининг кўриниши қўйидагicha бўлади.¹

¹ Компас – 3D V6 Практическое руководство. Том 1-4. Акционерное общество АСКОН. 2013 г.




2-расм

Номи	Тавсифи
Бош меню	Системанинг командаларини юклатиш учун хизмат қиласи (2-расм)
Инструментлар панели	Системанинг командаларини бажарувчи тугмачалар жойлашган (2,3-расм).
Компакт панель	Бир қанча инструментлар панели ва биридан иккинчисига ўтиш тугмачалари жойлашган (2,3-расм).
Хусусиятлар панели	Объектни тузиш ёки таҳирлаш ва созлаш учун хизмат қиласи (2-расм).
Хабар бериш қатори	Жорий командага тегишли ёки ишчи ойнада курсор турған элемент хақида маълумот хосил бўлади (2-расм).
Максус бошқариш панели	Объектни яратиш (Создать объект), базавий объектни танлаш (Выбор базового объекта), Объектни автоматик тузиш (Автосоздание объекта) каби максус амалларни бажарувчи тугмачалар жойлашган (2,4-расм).



3-расм.



4-расм.

2.3. Ойнада хужжатни тасвирлашни бошқариш


Бунинг учун бир қанча түгмачалар хизмат қилади:

- Масштабни катталаштириш (**Увеличить масштаб**) (бошланғич ҳолатда масштабни үзгартыриш 1,2 га тенг)
- Масштабни катталаштириш (**Уменьшить масштаб**)
- Тасвирнинг ихтиёрий қисми масштабини катталаштириш (**Увеличить масштаб рамкой**)
- Масштабни бир текис үзгартыриш (**Приблизить/отдалить**)
- Хужжатни бутунлигика күрсатиши (**Показать все**)
- Тасвирни суриш (**Сдвинуть**)
- Тасвирни янгилаш (**Обновить изображение**)

4. 1-Топширик (5-расм).

- 1) АВ кесмани «Асосий чизик» (**Основная линия**) стилида берилған координатада чизинг.

- 2) CD кесмани «Штрихли чизик» (Штриховая линия) стилида берилган координатада чизинг.
- 3) АВ чизикқа перпендикуляр равишида D нүктадан «Ингичка чизик» (Тонкая линия) стилида DK түгри чизиқни чизинг.
- 4) АВ чизиқнинг стилини асосийдан штрихлига ўзгартириңг.
- 5) АВ ва CD түгри чизиқларнинг стилини штрихлидан асосийга ўзгартириңг.
- 6) АВ түгри чизик ўлчами ва 90^0 бурчакни қўйинг.
- 7) Ўлчамларни ўчириңг ва яна қайта тикланг.




5-расм.


Ушбу топшириқ қуидагида бажарилади:

Файл менюсидан **Создать** пунктини танланг. Хосил бўлган ойнадаги **Новый документы** қисмидан **Фрагмент** вариантини танланг.

Геометрия панелидаги (6-расм) **Отрезок** командасини танланг (7-расм). Бунда маҳсус бошқариш панелидаги **Автосоздание** тутмачаси актив ҳолатда бўлсин (4-расм). Кесманинг параметрлари **Параметрлар каторида** (9-расм) алоҳида кўриниб туради: иккита **X** ва **Y** кординаталар майдони, яъни бошлангич (**т1**) ва охирги (**т2**) нуқталар; кесма узунлиги майдони; унинг қиялик бурчаги майдони; кесма стили майдони.




6-расм.



7-расм.


- 1) АВ кесмани берилган координата буйича қуинг. Бунинг учун курсорни бошлангич координатага олиб келинг (**A(0,0)** нұқта координатаси) ва А нұқта жойини сичқончанинг чап тұгмасини босиши орқали шакллантириңг. Шу билан бошлангич нұқта қурилди (9-расм). Бунда чизиқнинг стили «Асосий чизиқ» (Основная линия) лигига ишонч хосил қилинг. 8- расмда чизиқнинг стилини танлаш күрсатилған.¹

¹ Компас – 3D V6 Практическое руководство. Том 1-4. Акционерное общество АСКОН. 2013 г.



8-расм

В(30,50) нүктани хосил қилиш учун иккинчи нүктанинг (конечная точка, 9-расм) **X** координатасида сичқончанинг чап тугмасини икки марта тез босинг (Буни [Alt+2] клавишалари орқали хам бажариш мумкин). Натижада ушбу майдон активлашади. Сўнгра «30» қийматни киритинг. [Tab] клавишиаси ёрдамида **Y** майдонни активлаштиринг, «50» қийматни киритинг ва [Enter] клавишиасини босиш орқали қийматларни киритишни ниҳоясига етказинг. Шу билан **AB** кесмани куриш ниҳоясига етди.




2) **CD** кесмани берилган координата штрихли стилда (штриховая) кулинг, 8-расм.

C(30,0) нүктани хосил қилиш учун **t1** нүктанинг (начальная точка) **X** майдонини (9-расм) сичқончанинг чап тугмасини икки марта тез босиш орқали активлаштиринг (буни [Alt+1] клавиша орқали хам бажариш мумкин) ва «30»

қийматни киритинг. [Tab] клавишаси ёрдамида **Y** майдонни активлаштиринг, «**0**» қийматини киритинг ва [Enter] клавишасини босиш орқали **X** нуқтанинг қийматини киритишни ниҳоясига етказинг. **D(0.50)** нуқтани хосил қилиш учун **t2** нуқтанинг (конечная точка) **X** майдонини (9-расм) сичқончанинг чап тугмасини икки марта тез босиш орқали активлаштиринг ва «**0**» қийматни киритинг. [Tab] клавишаси ёрдамида **Y** майдонни активлаштиринг, «**50**» қийматини киритинг ва [Enter] клавишасини босиш орқали **D** нуқтанинг қийматини киритишни ниҳоясига етказинг. Шу билан **CD** кесмани қуриш ниҳоясига етди.

3) DK кесманинг «Ингичка» (Тонкая) стилда (8-расм) қуриш учун **кенгайтирилган командалар панелидаги** (10-расм) **Перпендикулярный отрезок** тугмачасини активлаштиринг.



10-расм.




11-расм.

Перпендикулярный отрезок командасини танлаш учун **Ввод отрезка** командасида сичқончанинг чап тугмасини босинг ва қўйиб юборманг. Натижада шу соҳага тегишли очилувчи кенгайтирилган командалар панели хосил бўлади. Сичқончанинг чап тугмачасини қўйиб юбормаган ҳолда сичқонча кўрсаткичини **Перпендикулярный отрезок** тугмачасига олиб келинг ва чап тугмасини қўйиб юборинг. **AB** кесманинг ихтиёрий нуқтасида сичқончанинг чап тугмачасини босиб қўйиб юборинг, курсорни **D** нуқтага олиб келинг ва сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали **DK** кесмани бошланғич нуқтасини шакллантиринг. Курсорни **AB** кесмага олиб келинг ва **AB** кесмада **K** нуқтани шакллантиринг. **DK** кесма хосил бўлди. Сўнгра **Прервать команду** тугмасини босинг. (11-расм).

4) AB кесманинг стилини штрихлига (штиховая) ўзгартиринг.

Бунинг учун:

- Сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали **AB** кесмани белгиланг
- Сервис → Изменить стиль командасини танланг (буни контексл меню орқали хам бажариш мумкин) ва «Штриховая» стилини кўрсатинг, 13-расм.



13-расм

12-расм.


5) АВ ва CD кесмаларни штрихли стилдан асосий стилга ўтказинг.

Бунинг учун:

- **Выделить → По стилю кривой** (12-расм) командасини активлаштиринг ва штриховка стилини танланг (13-расм).
- **Сервис → Изменит стиль** командасини танланг (буни контекстли меню орқали хам бажариш мумкин) ва «Основная» стилини кўрсатинг.

6) АВ кесманинг ўлчамини қўйинг.

Бунинг учун **Размеры** панелидаги (6-расм) **Линейный размер** командасини активлаштиринг, 14-расм.




14-расм.

Махсус бошқариш командаси панелидан **Выбор базового объекта**  командасини активлаштиринг, **AB** кесмани кўрсатинг ва ўлчамни 5-расмда келтирилган қиймат билан келишган ҳолда жойлаштиринг.

Бурчакли ўлчамни қўйинг. **Угловой размер** (14-расм) командасини танланг, кетма-кет тарзда курсор ёрдамида **DK** ва **VK** кесмаларни кўрсатинг ва 5-расмда кўрсатилгандек ўлчамни жойлаштиринг.


7) Ўлчамларни ўчиринг ва қайта тикланг.

Бунинг учун **Выделение** панелидан (6-расм) **Выделит по типу** (15-расм) командасини активлаштиринг. Чизиқли ва бурчакли ўлчамларни танланг (16-расм) ва [Delete] клавишисини босинг. Ўлчамларни қайта тикланг. Бунинг учун инструментлар панелидаги **Отменить**  тугмасини босинг.¹



15-расм.

¹ Компас – 3D V6 Практическое руководство. Том 1-4. Акционерное общество АСКОН. 2013 г.



16-расм.

Назорат саволлари:

1. Тишли узатмаларни КОМПАС-3D тизими асосида лойиҳалаш:
2. КОМПАС-3D тизими базасида валларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш:
3. КОМПАС-3D тизими базасида подшипникларни, таянчларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш:
4. КОМПАС-3D тизими базасида деталларни ва узелларни мустаҳкамликка ҳисоблаш:

Фойдаланилган адабиётлар:

1. AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.
2. Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
3. To`laev B. Loyihalash jarayonlarini avtomatlashtirish asoslari. O`quv o`qllanma. -T.: TDTU. 1÷4 – qismlar. 2001.-50 бет
4. T. Rixsiboyev “Kompyuter grafikasi” `quv o`qllanma. -T.: TDPU. 2006.-22 бет.
5. Ахмедов А., Мирзаев М. «Компьютерная графика в системе AutoCAD Ru» учебное пособие ТИТЛП Т:2004 г.-45 бет.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- амалий машғулот: Чизма ва графикларни компьютерда бажариш учун керак буладиган анжомлар. autocadни юклаш.

Ишдан мақсад: Auto CAD дастурида лойиҳалаш ишларини бажариш учун керакли бўладиган дастлабки амалларни бажариш.

Масаланинг қўйилиши:

1. AutoCADда кесма чизиш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми.
2. Экрандаги кесма вазиятини ўзгартириш амали ва ундан фойдаланиш алгоритми.
3. Кесмага ранг бериш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми.
4. Кесмага тус бериш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми.
5. Кесмани йўғонлаштириш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми.

Ишни бажариш учун намуна.

1) Техник воситалар:

- 2-Киритиш қурилмалари: клавиатура-тугмалар панели, сичконча ва бошқалар;
- 3-Ташқи хотира қурилмаси—процессор;
- 4-Қоғозга чиқариш қурилмаси—принтер, плоттер ва бошқалар.

2) Дастурлар воситалари:


Дастурлар системали-операцион ва амалий дастурларга бўлинади. Операцион дастурлар фойдаланувчини компьютер билан мулоқот қилишида воситачи бўлиб хизмат қилади. Улар ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дискетлардаги ахборотларни ўқиши, ахборотларни дискетга ёзиши, амалий дастурларни ишга тушириш каби амаллар бажарилади.

Амалий дастурлар у ёки бу график ахборотлар учун тузилади ва копмютерга киритилади. Дастурлар Бейсик ёки Паскал тилида тузилади. Ушбу ўқув қўлланмада компьютер графикасида лойиҳалашнинг автоматлаштирилган

тизими AutoCAD программаларидан фойдаланиб, график ахборотларни компьютерда бажаришни ўрганилади. Бунда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган AutoCADнинг охирги версияларидан фойдаланилади.

2. AutoCAD ни юклаш. Маълумки компьютер қўйидаги кетма-кетликда электр тармоғига уланади, яъни юкланди: ПРОЦЕССОР - МОНИТОР - ПРИНТЕР ва бошқалар. Уни ўчириш эса, аксинча бўлади: ПРИНТЕР - МОНИТОР - ПРОЦЕССОР. Компьютер сетга улангач экраннинг чап томонида устун қўринишида унга киритилган асосий программалар, «Ярлық»-рамзий белги қўринишида жойлашган бўлади. Улар орасидан «AutoCAD» га курсорни «Сичқон» ёрдамида олиб келиб, унинг чап тугмаси кетма-кет икки маротаба юкланди. Экранда қум соат билан курсорни стрелкаси ёнма-ён пайдо бўлади ва бироз вақт ўтгач экранда AutoCAD ёзуви ва уни юкланиш дарчаси пайдо бўлади. Бу дарчанинг юқори чап бурчагида тўртта кнопкa-тугмалари жойлашган бўлиб улар қўйидаги вазифаларни бажаришга мўлжалланган (2-расм):

1-«Открыть чертёж»-аввал тузилган чизмани очиш, яъни экранга файллари номлаб хотирага киритиб қўйилган чизмаларни чақириш буйруғининг тугмаси.
2-«Начать с начало»-янги чизма бошлаш буйруғининг тугмаси.
3-«Использовать шаблон»- шаблонлардан фодаланиш буйруғининг тугмаси. У ёки бу фарматдан ва бурчак штапмларидан фойдаланишни таъминлайди.
4-«Использовать волшебник»-сехр буйруғидан фойдаланиш тугмаси. Бу буйруқдан фойдаланиб AutoCADни юклаш икки ҳолатда амалга оширилади:



2-расм


1. Тезкор юклаш; 2. Кенгайтирилган юклаш.

Тезкор мослаш ҳолатида 2-«Начать с начало» тугмаси юкланди. Шунда ўлчов бирликлари ва чизма коғозининг формати таклиф қилинади.

Кенгайтирилган мослаш ҳолатида эса, ўлчов бирликлари, бурчак катталиклари, бурчаклар йўналиши, бурчакларнинг мусбат йўналиши ва чизма коғозининг

юзаси-формати таклиф қилинади. Кенгайтирилган мослаш ҳолатини, яъни 4-тутма ENTER билан юкланса, ундаги кўшимча буйруқлар рўйхати пайдо бўлади (3-расм).

1- «Units»-ўлчов бирлиги тутмаси: унли метрик, инженерлик, архитекторлик, касирлик ва илмий ўлчов бирликлари таклиф қилинади. Бу ўлчов бирликларини таққослашга мисол тарикасида деразанинг баландлиги кўрсатилган.



3-расм

Иккинчи кўшимча буйруқка ўтиш учун «Далее» кнопкаси- тутмаси юкланади:

2-«Angle»-бурчаклар. Бурчак катталиги айлананинг горизонтал марказ чизигининг унг томонидан «Шаркдан» бошлаб олинади. Бурчакларнинг ўлчов бирликларини ва уларни киритилиши 90° ли бурчак мисолида кўриш мумкин. Учинчи кўшимча буйруқка ўтиш учун «Далее» тутмасини босилади.

3-«Angle Measure»-бурчакларни ўлчаб қўйишда 0 (ноль) га teng бўлган бошлангич йўналишни белгилайди. Тўрттинчи кўшимча буйруқка ўтиш учун «»Далее» тутмаси босилади.

4-«Angle Direction»-бурчакнинг мусбат йўналишини соат стрелкаси бўйича ёки унга тескари танлашни таъминлайди. Бешинчи кўшимча буйруқка ўтиш учун «Далее» тутмаси юкланади:

5-«Area»-соҳа-чизма коғозининг чегарси-фармати аниқланади.


Агар AutoCAD дастурида тезкор мослаш ҳолати юкланса, бу бешта кўшимча буйруқлардан фақатгина иккитаси, ўлчов бирликлари ва «Соҳа» буйруқлари таклиф этилади. Бу кўрсаткичлар чизмачилиқдан график ахборотларни бажаришда етарли бўлганлиги учун ундан фойдаланилади. Бунда таклиф қилинган метрик ёки англиянинг узунлик ўлчам бирликларидан «Метрическое» буйруғи юкланиб, юклаш дарчасини пастки унг бурчақдаги «ГОТОВО» ёки «OK» тумаси юкланса, экран ишчи ҳолатига ўтиб қолади.

Экраннинг бундай кўринишига ишчи стол ёки фойдаланиш интерфейси деб аталади (5-расм).


AutoCAD дастурини юклаш такомиллаштирилган бўлиб, у юклангач экранда бу дастурнинг юклаш «AutoCAD Сегодня» дарчаси 4-расмда келтирилган кўринишда пайдо бўлади.

«Open Drawings»-чизмани очиш тугмасини юклаб аввал бажарилган ва хотираға файлни киритиб қўйилган чизмаларни экранга чақириш учун фойдаланилади.

«Create Drawings»-янги чизма бошлиш тугмасини юклаб, экранда чизма бажариш учун янги сахифа очишга қўйидагича киришилади: «Select how to begin:»-вкладкасидан «Start from Scratch»-буйруғи юкланади. Шунда юклаш дарчасида инглиз ва метрик узунлик бирликлари таклиф этилади ва ундан «Metric» узунлик бирлиги танланиб юкланади. Шунда экранда айнан, 5-расмда тасвириланган каби ишчи стол ёки фойдаланиш интерфейси пайдо бўлади.



4-расм




5-расм

1.3. Фойдаланиш интерфейси-столи

AutoCADнинг ишчи столига қўйидаги элементлар киради:

Тушувчи менюлар қатори экраннинг юқорисида жойлашган бўлади(6-расм).

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10



6-расм

1-«Файл»-файллар билан ишлаш менюси;

2-«Правка»-«Windows» столидаги график майдон қисмларини таҳрир қилиш менюси;

3-«Вид»-экранни бошқариш буйруқларини менюси. Варроқ фазосидан моделлар фазосига ўтиш, дисплей кўрсаткичларини бошқаришда керакли асбоблар панелини ва бошқа буйруқларни ўрнатади;

4-«Вставка»-иловадаги ва ташқи объектларни блокларга қўйишни таъминлаш менюси;

5-«Формат»-қатламлар билан ишлашни, ранг ва чизик турлари, матн стилини ва ўлчамини бошқаришни, мультлиниялар стилини, ўлчам бирлигини ўрнатиш, чизмани чегараларини аниқлаш каби буйруқларнинг менюси;

6-«Инструменты»-экрандан фойдаланишда тизимларни бошқариш буйруқлари менюси. Улар ёрдамида мулоқотлар дарчасидан фойдаланиб чизма кўрсаткичларини ва боғламларини ўрнатиш каби буйруқлар юкланди;

7-«Черчение» - чизма чизиш буйруқларини очади;

8-«Размеры»-ўлчам кўрсаткичларини бошқариш ва уларни қўйиш буйруқларини очади;

9-«Изменить»-чизма элементларини ўзгартириш-чизмани ва ундаги ёзувларни таҳрир қилиш буйруқларини очади;

10-«Окно»-бир вақтда фойдаланишда бўлган ахборотларни файлидан файллига ўтиб уларни очади;

11-«Помощь»-инглиз тилида кучли гипертекстли эслатмалар тизимини очади.

Стандарт асбоблар панели, у экраннинг юқорисидан иккинчи қаторда жойлашган бўлади(7-расм).

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23



7-расм

1-«Создать»-янги файлни яратишда янги варроқ очиш буйруғининг тугмаси;

2-«Открыть»-мавжуд файлни очиш буйруғининг тугмаси;

3-«Сохранить»-файлларни хотирада сақлаш буйруғининг тугмаси;

4-«Печать»-чизмани коғозга чиқариш буйруғининг тугмаси;

5-«Предварительный просмотр»-чизмани қоғозга босиб чиқаришдан аввал уни чизма форматида жойлашувини қўздан кечириш буйруғининг тугмаси;

6-«Найти и заменить»-чизмадаги сўз ва жумлаларни топиб бошқасига алмаштириш буйруғининг тугмаси;

7-«Вырезать в буфер»-чизмадан белгилаб олинганларни- элементларни «Windows» буферига кесиб олиш буйруғининг тугмаси;

8-«Копировать в буфер»-танлаб олинган элементларни «Windows» буферига нусхасини олиш буйруғининг тугмаси;

9-«Вставить из буфера»-«Windows» буферидан нусхаларни чиқариб қўйиш буйруғининг тугмаси;

10-«Математические свойства»-объект ҳақида маълумотлар буйруғининг тугмаси;

11-«Отменить»-охирги амални бекор қилиш буйруғининг тугмаси;

12-«Повторить»-охирги бекор қилинган амални қайта тиклаш буйруғининг тугмаси;

13-«Вставить ссылку»-ўзга файлга кўрсатма бериш буйруғининг тугмаси;

14-«Временная точка трассировки (открывает список команд)»-объектларни боғловчи буйруқлар рўйхатини очиш буйруғининг тугмаси;

15-«(ПСК)»-координаталардан фойдаланиш тизимида ишлаш буйруғининг тугмаси;

16-«Расстояние»-масофани, XY текислигиде бурчакни ва нисбий бурчакни, DX, DY, DZ ларни аниқлаш буйругининг тугмаси;

17-«Перечертить все»-экранда чизмани қайта-бошқатдан чизиш буйругининг тугмаси;

18-«Диалог точки вида»-бир нечта кўринишлар экранини яратиш буйругининг тугмаси. Масалан устидан, олдидан ва ёнидан кўринишларни;

19-«Именованные виды»-кўринишларни алмаштириш буйругининг тугмаси, масалан устидан кўринишни изометрияга;

20-«3D Орбита»-фазода 3D объектини буриш буйругининг тугмаси;

21-«Панорама реального времени»-фойдаланувчига модел фазосини-чизмани қулай жойга силжитиш буйругининг тугмаси;

22-«Масштаб реального времени»-айни вақтда кўринишларни катталаштириш ёки кичиклаштириш буйругининг тугмаси;

23-«Окно измерения масштаба (открывает список команд)»-катталаштириш ёки кичиклаштиришнинг турли усулдаги асбобларини танлаш буйругининг тугмаси. Масалан чизманинг кичик бир бўлагини экран бўйлаб катталаштиради;

24-«Предыдущий масштаб»-дастлабки масштабига қайтариш буйругининг тугмаси.

«Свойства объекта»-«Объектнинг хусусияти» панели ёрдамида экранда қатламлар яратилади ва чизикларни ранги, тури ҳамда йўғонликлари ўзгартилади (8-расм).

1

2

3

4



-расм

1-экранда қатлам яратиш буйругининг тугмаси;

2-тасвирдаги чизикларга ранг бериш буйруғининг тугмаси;

3-тасвирдаги чизикларга тур бериш буйруғининг тугмаси;

4-тасвирдаги чизикларга йўғонлик бериш буйруғининг тугмаси.

Чизма чизиш, уларни тахир қилиш, уларни ўзаро боғлаш ва уларга ўлчам қўйиш буйруқларининг шартли белгили тутмалари экраннинг чап ва ўнг томонларида устунлар кўринишида жойлаштирилган бўлади ва уларга қўйидагилар киради:

«Рисование»-«Чизиши» панели буйруқлари, «Изменить»- «Ўзгартириш» панелининг буйруқлари, «Размеры»-«Ўлчамлар» панелининг буйруқлари ва «Привязка объекта»-«Объектни боғлаш» панелининг буйруқлари.

«Рисование»-«Чизиши» панели буйруқлари(9-расм).


1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16



9-расм

- 1-«Отрезок»-кесма чизиш буйруғининг тугмаси;
- 2-«Прямая»-тўғри чизик чизиш буйруғининг тугмаси;
- 3-«Мультилиния»-мультилиния-кўп чизиклар чизиш буйруғининг тугмаси;
- 4-«Полилиния»-кўп чизик чизиш буйруғининг тугмаси;
- 5-«Многоугольник»-кўпбурчак чизиш буйруғининг тугмаси;
- 6-«Прямоугольник»-Тўртбурчак чизиш буйруғининг тугмаси;
- 7-«Дуга»-ёй чизиш буйруғининг тугмаси;
- 8-«Круг»-айлана чизиш буйруғининг тугмаси;
- 9-«Сплайн»-эгри чизик чизиш буйруғининг тугмаси;
- 10-«Эллипс»-эллипс чизиш буйруғининг тугмаси;
- 11-«Вставить блок»-блокни қўйиш буйруғининг тугмаси;
- 12-«Создат блок»-блок яратиш буйруғининг тугмаси;
- 13-«Точка»-нуқта қўйиш буйруғининг тугмаси;
- 14-«Штриховка»-кесим ва қирқим юзаларини штриховкалаш буйруғининг тугмаси;
- 15-«Область»-3D объектида соҳа очиш буйруғининг тугмаси;
- 16-«Многострочный текст»-кўп қаторли ёзувувлар бажариш буйруғининг тугмаси.

«Изменить» - «Ўзгартириш» панелининг буйруқлари(10-расм).



10-расм

- 1-«Стереть»-танланган объектни ўчириш буйругининг тугмаси;
 - 2-«Копировать»-объектдан нусха олиб кўчириш буйругининг тугмаси;
 - 3-«Зеркало»-объектга симметрик тасвир ясаш буйругининг тугмаси;
 - 4-«Сдвиг»-танланган объектни суриш буйругининг тугмаси;
 - 5-«Массив»-объектнинг тасвирини кўпайтириб тасвирлаш буйругининг тугмаси;
 - 6-«Переместить»-танланган объектни кўчириш буйругининг тугмаси;
 - 7-«Повернуть»-объектни бирор бурчакка буриш буйругининг тугмаси;
 - 8-«Масштаб»-объектнинг тасвирларини ва ўлчамларини ўзгартириш буйругининг тугмаси;
 - 9-«Растянуть»-танланган объектни ўзайтириш буйругининг тугмаси;
 - 10-«Удлинить»-танланган объектни чўзиш буйругининг тугмаси;
 - 11-«Обрезать»-объектнинг ортиқча қисмини кесиб ташлаш буйругининг тугмаси;
 - 12-«Расширить»-танланган объектни кенгайтириш буйругининг тугмаси;
 - 13-«Разорвать»-объектни нуқта оралиғида ажратиш буйругининг тугмаси;
 - 14-«Фаска»-бурчак ҳосил қилиб кесишувчи чизиқларнинг бурчаги фаскасини олиш буйругининг тугмаси;
 - 15-«Скругление»-объектлардаги бурчакларни айлана ёйи ёр-дамида юмалоқлаш буйругининг тугмаси;
 - 16-«Удалить (Разорвать)»-объектларни бирлаштирув қисмларини ўзуб олиб йўқотиш буйругининг тугмаси;
- «Размеры» - «Ўлчамлар» панелининг буйруқлари (11-расм).

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15



11-расм

- 1-«Линейный размер»-чизиқли ўлчам қўйиш буйруғининг тугмаси;
2-«Параллельный размер»-оғма контурга ўлчам қўйиш буйруғининг тугмаси;
3-«Ординатный размер»-ордината ўлчамини қўйиш буйруғининг тугмаси;
4-«Радиус»-ёй радиусининг ўлчамини қўйиш буйруғининг тугмаси;
5-«Диаметр»-айлана диаметрининг ўлчамини қўйиш буйруғининг тугмаси;
6-«Угловой размер»-бурчакли ўлчам қўйиш буйруғининг тугмаси;
7-«Быстрое измерение»-тезкор ўлчаш буйруғининг тугмаси;
8-«Базовый размер»-таянч ўлчамни белгилаб қўйиш буйруғининг тугмаси;
9-«Размерная цепь»-занжир усулида ўлчам қўйиш буйруғининг тугмаси;
10-«Выноска»-четга чиқариш буйруғининг тугмаси;
11-«Допуск»-чекли четга чиқиш ўлчамларини қўйиш буйруғининг тугмаси;
12-«Маркер центра»-айлана марказини кўрсатиш буйруғининг тугмаси;
13-«Редактировать размер»-ўлчамларни таҳрир қилиш буйруғининг тугмаси;
14-«Редактировать текст»-матнларни таҳрир қилиш буйруғининг тугмаси;
15-«Обновить»-танланган ўлчамни янгилаб қўйиш буйруғининг тугмаси.
«Привязка объекта»-«Объектни боғлаш» панелининг буйруқлари
(12-расм).

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17



12-расм

- 1-«Временная точка трассировки»-чизиқ давомида ёки нормалида вақтинча нуқталарни кўрсатиш буйруғининг тугмаси;

2-«Snap from»-керакли боғланиш нуқтасини кўрсатиш буйругининг тугмаси;

3-«Конечная точка привязки»-объектнинг энг яқин четки нуқтасига боғланиш буйругининг тугмаси;

4-«Средняя точка привязки»-объектнинг ўрта нуқтасига боғланиш буйругининг тугмаси;

5-«Привязка к пересечению»-икки объектнинг кесишув нуқтасига боғланиш буйругининг тугмаси;

6-«Привязка к видимому пересеченью»-тахминий кесишув нуқтасига боғланиш буйругининг тугмаси;

7-«Snap to extesion»-кенгайтирилиб боғланиш буйругининг тугмаси;

8-«Привязка к центру»-марказ билан боғланиш буйругининг тугмаси;

9-«Привязка к квадранту»-ёй ёки айлана ёки эллипснинг яқин квадрати билан боғланиш буйругининг тугмаси;

10-«Привязка к касательной»-айлана, ёй ва бошқаларга уринма ўтказиш буйругининг тугмаси;

11-«Привязка к перпендикуляру»-нуқтадан тўғри чизик айлана, ёй ва эгри чизиқларга ўринма ўтказиш буйругининг тугмаси;

12-«Привязка к параллели»-нуқтадан объектга параллел объект чизиш буйругининг тугмаси;

13-«Привязка к вставке»-қўйиш объектини нуқтасига боғланиш буйругининг тугмаси;

14-«Привязка к узлу»-узелларга боғланиш буйругининг тугмаси;

15-«Привязка к ближайшему»-объектнинг исталган якин нуқтаси билан боғланиш буйругининг тугмаси;

16-«Не привязывать»-боғланишини бекор қилиш буйругининг тугмаси;

17-«Параметры привязки объекта»-объект кўрсаткичларини боғлаш буйругининг тугмаси;

Мулокотлар деразаси экрандан пастда жойлашган бўлиб, фойдаланувчи ҳар доим ундан боҳабар бўлмоғи керак, чунки компьютер ишлаш жараёнида ҳамма вақт у билан мулоқатда бўлиб, бирор вазифани бажариш учун буйруқ беришни сўраб туради.

Ҳолатлар қатори экраннинг энг пастки қисмида жойлашган бўлади (13-расм).

1 2 3 4 5 6 7 8



13-расм

1-«ШАГ»-курсор қадамини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

2-«СЕТКА»-экранни тур кўринишли ҳолатга ўтказиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

3-«ОРТО»-экранни тўғри бурчакли чизиш ҳолатига ўтказиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

4-«ПОЛЯР»-кесма чизища кутиб ҳолатига ўтиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

5 -«ВЫРВ»-объектга тўғрилаб боғланиш ҳолатига ўтиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

6 -«СЛЕД»-объектни қўзатиш ҳолатига ўтиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

7 -«ВЕСЛИН»-чизиқни йўғонлигига тасвирлаш ҳолатига ўтиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

8 -«МОДЕЛ»-моделлар фазосини чизма коғози ҳолатига ўтказиш ёки уни бекор қилиш буйругининг тугмаси;

AutoCAD-2000 дастурини юклаб, унинг ишчи столининг барча элементларини-буйруқлар панелларини ва улардаги буйруқлар тугмаларини ёзид олинг.


2.1. Экранда AutoCAD дастурида бирор кесма чизиш буйруғи қўйидаги алгоритм асосида амалга оширилади;

1.  «Отрезок»-кесма чизиш тугмаси юклангач, мулоқотлар дарчасида «Бошланғич нуқтасини киритинг» сўрови пайдо бўлади (14-расм).

```
Command: _line Specify first point: *Cancel*
Command:
Command: _line Specify first point:
```


14-расм

Унга жавобан кесмани дастлабки нуқтасининг X₁, Y₁ координаталарини териб ёки «Сичқон» ёрдамида курсор нишони билан ихтиёрий X_{1i},Y_{1i} координаталар киритилади. Шунда навбатдаги, «Кейинги нуқтасини киритинг» сўрови пайдо бўлади(15-расм).



15-расм


2. Бу сўровга ҳам дастлабки нуқтанинг координаталарини киритган каби, X2,Y2 ёки X2i,Y2i координаталари киритилади ва экранда кесма пайдо бўлади(16-расм).



16-расм

Мулокотлар дарчасида яна иккинчи тўғри чизиқни чизиш учун навбатдаги нуқтасини киритишни сўрайди. Бундай нуқталарни кетма-кет киритиб, кўплаб кесмаларни кетма-кет ўтказиш мумкин. Кесма чизиш буйруғидан чиқиш учун «Enter» ёки «ESC» тугмасини кетма-кет икки маротаба юкланди.

Иккинчи ва учинчи кесмаларни ўтказгач, кейинги сўровда, кавс ичида «Close»-«Замкни»-«Бирлаштириш» ёки «Undo» - «Отмени» -«Бекор қилиш» қўшимча буйруқлари пайдо бўлади(17-расм).



17-расм

«Close»-«Замкни»-«Бирлаштириш» сўзининг бош ҳарфини териб, «Enter» юкланса, охирги кесма уни биринчи кесманинг бошланғич нуқтаси билан бирлашиб қолади.

«Undo»-«Отмени»-«Бекор кил» сўзининг бош ҳарфини териб «Enter» билан қайд этилса, охирги чизилган кесма экрандан йўқолади. Бундай амалларни кетма-кет бажариб, бир буйруқда чизилган кесмаларни бирин-кетин экрандан йўқотиш (ўчириш) ҳам мумкин.

Экранда тасвирланган чизиқларни ва кесмаларни йўқотиш учун уларни битта-битта курсор билан «Сичқонча» ёрдамида ажратиб олинади ва «Delete» ёки «Enter» тугмаси босилади.

Агар экранда чизиқлар кўп бўлса, курсорни экраннинг бирор бурчагига келтириб, «Сичқонча» ни чап тугмаси босилиб, уни иккинчи қарама-қарши бурчагига диоганал чизиқ бўйлаб сурилади. Натижада катталашиб борувчи тўғри тўрт бурчак пайдо бўлади. «Сичқонча» тугмасини иккинчи маротаба юклаб, барча чизиқлар ёки тасвирлар ажратилади, улар штрих ўзик-ўзик чизиқлар кўринишида, кўк рангда тасвирланиб қолади. «Enter» ёки «Delete» тугмаси юкланиб, барча чизиқлар экрандан йўқотилади. Бунда ҳосил бўладиган ажратиш тўғри тўрт бурчаклари ўнг томондан бошланса, улар штрих чизиқ билан тасвирланиб, уни соҳасига бирор учи кириб қолган чизиқларни ҳам экрандан йўқотиш имкониятига эга бўлади. Агар у чап томондан очилса, тўғри тўрт бурчак туташ чизиқлар билан тасвирланиб, у фақат шу тўрт бурчак соҳасида ҳамма нуқталари билан жойлашган чизиқларнигина экрандан йўқотади.

2.2. Экрандаги кесмани янги вазиятга келтириш амали ва ундан фойдаланиш алгоритми қўйидагича бўлади:

1. Кесма ажратилади: курсор «+» нишони «Сичқон» ёрдамида кесмага келтирилади ва юкланди.

2. Курсорни кесманинг бирор учидағи квадрат нишонча билан боғлаб, исталган жойга қўчирилади ва қайд этилади (18-расм). Натижада кесма янги вазиятга келиб қолади.


3. Агар кесма ўртасида жойлашган квадрат нишонни курсор билан боғлаб, исталган жойга қўчирилиб қайд этилса, кесманинг янги вазияти, дастлабки берилган вазиятига параллел ҳолда тасвирланиб қолади.

2.3. Кесмага ранг бериш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми қўйидагича бўлади:


1. Кесма ажратилади;

2.  Биринчи "ByLayer" (по слою) ранг тугмаси юкланди:


Шунда стандарт ранглар рўйхатини таклиф қилувчи дарча пайдо бўлади (19-расм). Агар улардан бўлак бошқа ранг танлаш лозим бўлса, "Другое" тугмаси юкланди ва бошқа рангларни ўзига жамлаган «Ранг танлаш» дарчаси пайдо бўлиб, унда жамланган турли хилдаги ранглар таклиф қилинади (20-расм). Бу дарчадан танланган рангни курсор ёрдамида юкланди ва кетма-кет иккита "OK" тумалари юкланиб, уни стандарт ранглар рўйхатига ўтказилади.




18-расм



19-расм



20-расм



21-расм

Шунда "Bylayer" ўрнида янги ранг номерини ёзуви пайдо бўлади. Сунгра «ESC» тугмасини икки маротаба кетма-кет юкланса, кесма чизиги янги рангда тасвирланиб қолади. Агар ранг тугмасидаги ёзув янги ранг ёзуви билан қолдирилса, кейинги чизиладиган кесмалар ва чизиқлар танланган рангда чизилади. Бу рангдан чиқиш учун у юкланди ва ранглар рўйхатидан «Bulayer» тугмаси юкланди.

2.4. Кесмани чизик турларига мувофоқ чизиш буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми қўйидагича бўлади:


1. ByLayer

1. Иккинчи «Bylayer» (Типы линии) чизик турлари тұгмаси юкланды;


Бу буйруқдаги чизик турларини рўйхати таклиф этилади (21-расм). Агар чизиқларнинг бошқа турлари керак бўлса, рўйхатнинг энг пастида жойлашган "Другое" тугмаси юкланди.

Шунда экранда «Чизик турлари менеджери» нинг дарчаси пайдо бўлади. Ундаги юқори ўнг томонида жойлашган "Загрузить" қўшимча буйруғи юкланади. Натижада дарча ўртасида компьютерга киритилган чизик турларининг номи ва тасвири таклиф қилинади (22-расм).

2. Ундан исталған чизик турини, масалан "Dosh doot" ёки "Dosh doot2" «Сичқон» билан юкланды ва «OK» тұгмаси босилади.



22-pacM



23-pacm

Шунда деразани дастлабки кўриниши пайдо бўлади ва яна ундаги «ОК» тутгаси юкланди:

4. Кесма ажратилади;

5. «Bylayer» - чизиқ турлари тугмаси юкландырылады да рўйхатдан чизиқ тури танланып юкландырылады да экрандағы ажратылған кесма танланған чизиқ турида чизилиб қолады.

2.5. Чизиқни йүғонлаштириш алгоритми буйруғи ва ундан фойдаланиш алгоритми күйидагыча бўлади:

1. Кесма ажратилади;

2 ByLayer

2.  Учинчи «Bylayer» (по слою)-чизик йўғонлиги-«Веслин» тугмаси юкланди: Компьютерга киритилган йўғонликлар рўйхатининг дарчаси пайдо бўлади(23-расм). Улардан бирортаси танланиб юкланди;

3. Экранда чизик нинт йўғонлигини ўзгарганлигини аниқлаш учун ҳолатларни бошқариш қаторидаги «ВЕСЛИН» тутмаси юкланади.

Шунда кесма чизиги танлаб олинган йўғонликда тасвирланиб қолади. Агар танлаб олинган йўғонлик қиймати учинчи «Bylayer» сўзи ўрнида ёзилган бўлса, кейинги чизиладиган чизиклар йўғонлиги танлаб олинган йўғонликда чизилади. Бу йўғонликдан чиқиш учун танлаб олинган йўғонлик юкланади ва рўйхатдан «Bylayer» сўзи юкланади. Натижада экрандаги чизиклар компьютерда ўрнатилган стандарт йўғонликка ўтиб қолади.

Юқорида ўтилган чизма чизиш буйруқларидан фойдаланиб 24 ва 25-расмларда келтирилган чизик турлари ва тўғри туртбурчак соҳанинг штриховкаси бажарилсин. Чизикларни турли вазиятларга келтиришни ва уларга ҳар хил ранг беришни ҳам машқ қилиб кўринг.



24-расм

25-расм

Назорат саволлари:

1. AutoCADда кесма чизиш буйруги ва ундан фойдаланиш алгоритми қандай?
2. Экрандаги кесма вазиятини ўзгартириш амали алгоритми.
3. Кесмага ранг қандай қилиб ранг берилади.
4. Кесмага қандай қилиб тус берилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.
2. Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
3. T. Rixsiboyev “Kompyuter grafikasi” `quv o`qllanma. -Т.: TDPU. 2006.-22 бет.
4. Ахмедов А., Мирзаев М. «Компьютерная графика в системе AutoCAD Ru» учебное пособие ТИТЛП Т:2004 г.-45 бет.


2-амалий машғулот: Айлана бўйича нусха кўчириш.

Ишдан мақсад: Лойиҳа ишларини бажаришда А4 форматда фазовий моделни хосил қилиш, лойиҳа деталларидан айлана бўйлаб нусха кўчириш, ўлчамини қўйиш ва асосий ёзувларини қўйиш.

Масаланинг қўйилиши:

Технологик жараён ускунасининг детали лойиҳалансин, бунда деталнинг тўлиқ модели қурилсин, уни бажаришда айлана бўйлаб нусха кўчириш ва уларга мос ўлчамларини қўйиш ва зарурӣ ёзувларни қўйиш.


Ишни бажариш учун намуна.



1 – расм.

1. **Файл** менюсидаги **Создать** пунктини танланг. Экранда хосил бўлган диалогли ойнанинг **Новые документы** қисмидан «**Чертеж**» ни танланг, A4 форматда (**Сервис - Параметры - Текущий чертеж - Параметры первого листа - Формат - А4, вертикально – ОК, Показать все** ).

2. **Ассоциативные виды**  тугмасини, сўнгра **Создать новый вид**  тугмасини танланг. Системанинг Укажите точку привязки вида сўровига жавобан курсорни тақрибан форматнинг марказига олиб келинг ва сичқончанинг чап тугмасини босинг. Дастребу ҳолатда параметрлар қаторида масштаб 1:1 ни кўрсатиб туради (2 – расм). M1 :2 масштабини танланг.




2 – расм

Яратилган кўринишнинг параметрларини **Дерево построения** қисми орқали кўриш ёки ўзгартириш мумкин: **Вид - Дерево построения. Дерево построения** қисмидан **Вид 1** ни танланг сўнгра контекстли менюдан **Параметры вида** пунктини танланг.


3. Диаметри 60 мм, 180 мм, 240 мм га тенг айланаларнинг маркази тузилган кўринишнинг координата бошида ётади. Бу айланаларни яратинг.
4. Диаметри **$\varnothing 32$** мм га тенг айлана қуриш учун **Вспомогательную прямую**  тугмасидан фойдаланган ҳолда ёрдамчи чизик ўтказинг. Унинг ҳолатини координата бошидан белгиланг ва параметрлар қаторидаги қиялик бурчагига **30°** ни кўйинг. **Геометрия**  панелидаги **Окружность**  (без осей) тугмасидан фойдаланган ҳолда маркази ёрдамчи тўғри чизик билан ўқ чизиқнинг кесишиганди нуқтасида ётувчи радиуси 16 мм га тенг бўлган айлана чизинг (4 – расм).
5. Айлана бўйича нусха кўчириш учун элементни рамка орқали белгилаш керак. Менюдан **Выделить – Рамкой**  пунктини танланг ва айланани ўқ чизифи билан биргалиқда белгиланг (5 – расм). **Редактирование**  панелидаги **Копия по окружности**  тугмасини танланг. Параметрлар қаторида қуидагиларни кўрсатинг: количество копий 8, вдоль всей окружности (6 – расм). Нусха кўчириш маркази қилиб координата бошини кўрсатинг. Сўнгра **Создать объект**  тугмасини босинг.

Рамкали белгилаш




3 – расм

Ёрдамчи түғри чизик
(Вспомогательная прямая)




4 – расм

Бир үқли



5 – расм



Бутун айланы бўйлаб
(Весь круг целиком)


6 – расм

Агар тасвир чизма форматида түғри жойлашмай қолса, менюдан қуидаги пунктни танланг: **Выделить - Выделить вид указанием** , сўнгра курсор ёрдамида тасвирни танланг (кўриниш занори ранга ўтади). **Редактирование** панелидаги **Сдвиг** тугмасини активлаштиринг, сичқончанинг чап тугмасини тасвирда босинг ва қўйиб юбормаган ҳолда тасвирни керакли ҳолатга олиб келинг – тасвир ўз ҳолатини координата боши Билан биргаликда ўзгартиради.

6. Ўлчамларни қўйинг. «S3» пластиинанинг ўлчамларини қўйиш учун **Обозначения** панелидаги **Линия – выноска** тугмасини активлаштиринг. Бу туманинг параметрлар қатори 7 – расмда кўрсатилган.




7 – расм



8 – расм


Параметрлар қаторининг «Текст» майдонига «S3» матнини киритинг (8 – расм).

Сўнгра **Параметры** қисмини активлаштиринг ва **Стрелка** майдонидан - **Точка, Полка** майдонидан – **Полка в право** кўринишларини танланг.




9 – расм

Системанинг Укажите точку, на которую указывает линия – выноска сўровига жавобан 10 – расмда кўрсатилганидек курсор орқали чизмада нуқта жойини кўрсатинг, системанинг Укажите точку начала полки сўровига жавобан Полканинг бошланғич нуқтасини кўрсатинг.




10 – расм

7. Асосий ёзувни («Основную надпись») тўлдиринг. Бунинг учун **Вставка** менюсидан **Основная надпись** пунктини танланг ёки асосий ёзув кисмида сичқончанинг чап тутмасини икки марта тез босинг. «Материалы» кисмини тўлдириш учун Ушбу қисмга курсорни олиб келинг, сичқончанинг ўнг тутмасини босинг ва хосил бўлган контекстли менюдан **Вставить текст** пунктини танланг (11 – расм).



11 – расм


Хосил бўлган ойнадан **Материалы – Цветные металлы – Алюминий и сплавы – Д16 ГОСТ 4784-97** ни танланг (119 – расм) ва **Вставить текст** тутмасини босинг.



12 – расм.

8. Пластилининг фазовий моделини қуриңг.

2- амалий машғулот бүйича индувидуал вариантылар:



№	A	C	B	D	Доиралар сони	№	A	C	B	D	Доиралар сони
1	240	40	30	185	8	11	225	40	26	15	5
2	245	44	31	178	7	12	240	44	44	18	4
3	250	48	32	184	6	13	245	48	40	18	9
4	255	52	30	180	5	14	250	52	36	19	10
5	260	56	31	175	4	15	230	56	38	15	8
6	265	60	32	170	9	16	235	60	22	16	7
7	270	64	28	165	10	17	255	62	42	16	6
8	230	68	26	160	8	18	260	66	34	17	7
9	235	72	40	155	7	19	220	70	28	16	8
10	220	60	28	150	6	20	230	74	32	16	6

Назорат саволлари:

- График хужжатларда умумий қабул ишлари.
- AutoCAD тизими базасида валларни ҳисоблаш ва лойиҳалашни бажаринг
- AutoCAD тизими базасида подшипникларни, таянчларни ҳисоблаш ва лойиҳалашни бажаринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

- AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.
- Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
- T. Rixsiboyev “Kompyuter grafikasi” `quv o`qllanma. -T.: TDPU. 2006.-22 бет.
- Ахмедов А., Мирзаев М. «Компьютерная графика в системе AutoCAD» учебное пособие ТИТЛП Т:2004 г.-45 бет.


3-амалий машғулот: Күпбурчакли фигура чизиш.

Ишдан мақсад: Лойиҳалашда қўлланиладиган кўпбурчакли мураккаб деталларни лойиҳалаш.

Масаланинг қўйилиши:

1. Томонлари 100 мм ва 250 мм га teng бўлган тўртбурчак чизинг.
2. R16 мм га teng бўлган доиралашни бажаринг.
3. Ø160 мм га teng бўлган доира қуринг.
4. Усечь кривую командаси ёрдамида ортиқча чизиқларни ўчиринг.
5. Кенглиги 16 мм ва доиралаш радиуси R8 мм га teng бўлган паз чизинг.
6. Маркази (0,0) координатага эга бўлган ва диаметри Ø 28 мм га teng бўлган олтибурчак чизинг.

Ишни бажариш учун намуна.




3.1 – расм.

Инструментлар панелидаги **Новый фрагмент** тугмасида сичқончанинг чап тугмасини босиши орқали «Фрагмент» типидаги янги хужжат тузинг.

1. Num Lock клавишисини ишга тушуринг. Инструментлар панелидаги **Установка глобальных привязок** тугмасини ишга туширинг ва унда куйидаги параметрлар актив бўлиши керак: **ближайшая точка, пересечение, угловая привязка**. Геометрия панелидаги **Прямоугольник по центру** и

вершине тутмасини активлаштиринг. Тўртбурчакнинг параметрлари параметрлар қаторида (**Строки параметров**) тасвирланади (3.2 – расм).




3.2 – расм

Ўқ чизиқсиз тўртбурчакни танланг (3.3 - расм)..

Координата бошида тўртбурчакнинг марказини шакллантиринг. Баландлик майдони актив бўлгани учун «250» ни киритинг ва [Enter] ни босинг. Кенглиги қиймати майдонига «100» ни киритинг ва [Enter] ни босинг.

2. Тўртбурчакнинг томонлари бурчакларини доиралаш учун **Скругление на углах объекта** командасини активлаштиринг (3.3 – расм).



3.4 – расм

Параметрлар қаторига доиралашнинг радиусининг қиймати «16» ни киритинг ва **На всех углах контура** тутмасини босинг (3.5 – расм).




3.5 – расм

Курсорни тўртбурчакнинг чизигига олиб келиб (тўртбурчак чизикларининг ранги кизил бўлади), сичқончанинг чап тутмасини босинг (3.4 - расм). Доиралаш шу билан тугади.

3. Қўйидаги параметрларга эга бўлган доира чизинг: асосий чизикли, ўқ чизиқсиз, маркази координата боши ва радиуси **80** мм (3.5 -расм).

4. Ортиқча чизикларни ўчириш учун **Редактирование** панелидаги (3.6 - расм) **Усечь кривую** командасини активлаштиринг (3.6 - расм). Ортиқча чизикларда сичқончанинг чап тутмасини босинг (3.6 - расм) ва натижада ортиқча чизиклар ўчирилади. Доира учун марказий чизикни хосил қилинг (**Обозначения** панелидаги **Обозначение центра** командаси). Марказий чизмқни чизишни осонлаштириш учун **Текущее состояние** панелидаги **Ортогональное черчение** тутмасини активлаштиринг ёки параметрлар қаторидаги **Угол** қисмига «0» ни ёзинг ва доиранинг марказига курсорни олиб келиб чап тутмасини босинг.




3.6 – расм

5. Пазларни чизинг. Бунинг учун ёрдамчи тўғри чизиклардан фойдаланинг. Пазларни параметрлари қўйидагича: кенглиги **16** мм (марказий вертикал чизикдан **8** мм узоқликда) ва пазларнинг марказининг жойлашиши (марказий горизонтал чизикдан **109** мм узоқликда). **Геометрия** панелидаги **Параллельные прямые** (ёрдамчи) командасини активлаштиринг (65 – расм). Пареметрлар қаторидан **Две прямые** режимини танланг. Системанинг Укажите отрезок или прямую для построения параллельной прямой саволига жавобан вертикал ўқ чизиқда ихтиёрий жойида сичқончанинг чап тутмасини босинг (3.7 - расм).

Параметрлар қаторининг **Расстояние** қисмига «**8**» ни киритинг (3.7 - расм). Система 2 та бир – бирига параллел ёрдамчи чизади (битта ёрдамчи тўғри чизик узлуксиз иккинчиси эса шрихли). Ёрдамчи тўғри чизиклардан ихтиёрий бирини сичқончанинг чап тутмасини босиш орқали жорий чизик қилиш мумкин (жорий чизик узлуксиз чизик кўринишида бўлади) ёки маҳсус бошқариш панелидаги **Следующий объект** ёки **Предыдущий объект** тутмаларини танлаш орқали хам амалга ошириш мумкин (3.7- расм). Сиз учун иккала вариант ҳам керак. Уни бажаринг.

Бунинг учун маҳсус бошқариш панелидаги **Создать объект** тугмасини танланг ва яни бир марта **Создать объект** тугмасини танланг.


Худди юқоридаги каби марказий горизонтал тўғри чизикларни кўрсатинг ва **Расстояние** қисмига «109» ни киритинг.



3.7 – расм


Отрезок командаси ёрдамида вертикаль чизикларни чизинг (3.8 – расм). **Дуга по двум точкам** командаси ёрдамида ёйни хосил қилинг (биринчи нуқтага курсорни олиб келинг, кейин иккинчи нуқтага олиб келинг). Керак бўлса ёй йўналишини ўзгартиринг. Худди шундай иккинчи ёйни ҳам чизинг.

Ёрдамчи чизикларни ўчиринг. Бунинг учун менюдан **Редактор - Удалить** - **Вспомогательные кривые и точки** пунктини танланг. Пазнинг цилиндрик қисми марказига битта (горизонтал) чизик чизинг (3.9 – расм) (**Обозначения** панелидаги **Обозначение центра** командаси). Параметрлар қаторидаги марказий чизиқнинг типи – **Одна ось** . Курсор ёрдамида ёйни кўрсатинг ва **[Enter]** ни босинг, курсорни марказий чизиқка олиб келинг (3.9 – расм) ва **[Enter]** ни босинг. Горизолтал марказий чизик қурилди. Худди шундай иккинчи пазнинг цилиндрик қисмига ҳам марказий горизонтал чизик чизинг




3.8 – расм

Ортиқча чизикларни үчириш учун **Редактирование** панелидаги **Усечь кривую** командасини активлаштириңг (3.5 – расм). Ортиқча чизикларда сичқончанинг чап тұғмасини босинг ва натижада ортиқча чизиклар үчирилади (3.9 – расм).




3.9 – расм

6. Түгри олтибурчак хосил қилиш учун **Геометрия** панелидаги **Многоугольник** командасини активлаштириңг (3.10 – расм).



3.10 – расм

Ушбу команданинг параметрлар қатори 3.11 – расмда тасвирланган.



3.11 – расм

Параметрлар қаторидаги **Количество вершин** қисмидан «6» ни танланг, **По описанной окружности** тугмасини танланг. Курсорни координата бошига олиб келинг ва чап тугмасини босинг. Қуйидаги параметрларни ўрнатинг: **Без осей** , Радиус – «14», Угол - **90°**. Сўнгра [Enter] ни босинг. Ўлчамларни қўйинг.

Назорат саволлари:

1. Эскизлар билан ишлаш: эскиз яратиш:
2. Узелларни йиғишининг уч ўлчамда лойиҳалаш усуллари:
3. Узелларни йиғиши: тишли узатмаларни AutoCAD тизими асосида лойиҳалаш:
4. AutoCAD тизими базасида валларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш:

Фойдаланилган адабиётлар:

:

1. AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.
2. Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
3. T. Rixsiboyev “Kompyuter grafikasi” O`quv qo'llanma. -T.: TDPU. 2006.-22 бет.
4. Ахмедов А., Мирзаев М. «Компьютерная графика в системе AutoCAD» учебное пособие ТИТЛП Т:2004 г.-45 бет.

V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёrlаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини натижалари 1 бал билан баҳоланади.


Мустақил таълим мавзулари

- 1) Автоматлаштирилган лойҳалаш ва бошқариш тизимларидаги иш жойларининг қурилмалари (аппаратура)
- 2) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш қурилмаларини танлаш.
- 3) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш қурилмаларини изоҳлаш.
- 4) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш қурилмаларини сифатини баҳолаш.
- 5) Автоматлаштирилган технологик жараёнларни бошқариш тизимлари
- 6) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш тизимларини танлаш.
- 7) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш тизимларини кўрсаткичлари бўйича баҳолаш.
- 8) Технологик жараёнларни компьютерда лойиҳалаш тизимлари бўйича режа тузиш ва сифатини баҳолаш.

Амалий топшириқлар:

Топшириқ:

1. 4 – жадвалда келтирилган қийматлар бўйича 3.12 – расмда келтирилган чизмани чизинг.
2. Ўлчамларни қўйинг.



3.12 – расм

4 - жадвал

Вариант №	A	B	C	D	E	F	K	H	Вариант №	A	B	C	D	E	F	K	H
1	150	8	30	200	240	100	16	10	11	155	10	26	195	245	85	20	9
2	150	7.5	31	210	230	90	15	9	12	155	9.5	24	185	255	95	19	10
3	150	7	32	205	250	80	14	8	13	160	9	22	200	260	105	18	11
4	140	8	30	200	230	100	16	7	14	160	8.5	20	205	265	110	17	12
5	140	7	31	210	230	80	14	6	15	160	10.5	18	210	270	115	21	12
6	140	7.5	32	205	240	90	15	5	16	154	11	22	202	260	115	22	6
7	145	8.5	28	190	235	100	17	5	17	156	11.5	20	204	265	110	23	11
8	145	9	26	195	245	100	18	6	18	148	12	18	206	270	105	24	7
9	145	9.5	24	185	255	80	19	7	19	158	11	25	202	240	95	22	10
10	155	10	28	190	235	90	20	8	20	144	11.5	32	204	250	85	23	9

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Компьютерда лойиҳалаш тизими математик таъминоти асосини алгоритмлар ташкил қилади; бу алгоритмлар бўйича компьютерда лойиҳалаш тизимининг дастуравий таъминоти ишлаб чиқилади. Компьютерда лойиҳалаш тизимида математик таъминотнинг элементлари ҳар хил бўлади. Улар ичида инвариант элементлар – функционал моделларни тузиш принциплари, алгебраик ва дифференциал тенгламаларнинг сонли ечими методлари, Экстремал масалаларни қўйиш, экстремумни қидиришлар мавжуд. Математик таъминотни ишлаб чиқиши компьютерда лойиҳалаш тизими яратишдаги энг мураккаб босқичдир. Компьютерда лойиҳалаш тизими унумдорлиги ва ишлашининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унга боғлик.

Компьютерда лойиҳалаш тизими дифференциал тенгламаси вазифаси ва амалга ошириш усуслари бўйича икки қисмга бўлинади:

- 1) математик методлар ва улар асосида тузилган, лойиҳалаш объектларини тавсифловчи математик моделлар;
- 2) автоматлаштирилган лойиҳалаш технологиясининг формалашган баёни.

Муаммоли вазият: Тўқимачилик корхонасини лойиҳалашдан олдин корхона барпо этиладиган жойни қўздин кечирди ва лойиҳа раҳбари лойиҳачига корхонада ўрнатилиши лозим бўлган ускуналарнинг тавсифини ва кетма кетлигини берди. Лекин корхона биноси барпо этилаётганда ускуналарни жойлаштириш жойи аниқланмаган ва лойиҳалашда бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқарди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Лойиҳалаш жараёнинида ускуналарни бино ичига ўрнатиш учун даставвал қандай опрациялар амалга оширилиши лозим
2. Ускуналарни ўрнатиш жойини лойиҳалашда нималарга эътибор қаратиш лозим.

2-кейс

Муаммоли вазият: Лойиҳаланган янги қурилаётган уруғлик чигитни тайёрлаш цехини монтаж қилиш жараёнини тахлилини олиб бориш бўйича лойиҳа раҳбари қуидаги топшириқларни масъул ишчи гурӯх аъзоларига юклади:

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Тасдиқланган лойиха буйича монтаж қилинаётган ускуналарни технологик кетма-кетлиги ва уларни ўрнатилиш жойлари аниқлаш;
2. Монтаж қилинаётган ускуналарни техник ҳолатларини ўрганиб чиқиш;
3. Ускуналарни монтаж қилиш жараёнида ишчи қисмларини оралиқ масофаларини техник паспортига мослигини текшириш.

2-кейс

Вилоятда пахта етиштиришни ошириш ва унинг сифатини ошириш учун уруғлик чигит тайёрлаш цехи қуриш эхтиёжи вужудга келди. Ушбу масала буйича қуидагиларни аниқлаш вазифаси қўйилди:

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

1. Қурилиш тумани (региони) ва жойи;
2. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, тури, тузилиши ва ишлаш тартиби.
3. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ассортименти (турлари) бўйича аниқланган ускуналар сони, технологик тавсифномаси (характеристикаси) ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиниш услублари, чиқиндилардан фойдаланиш мумкинлиги;
4. Илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришда ва қурилишда фойдаланиш, бойлик манбаларидан (ресурсларини) фойдаланиш мумкинлиги;
5. Технологик жараённи бошқаришга, автоматизасиялашга, механизасиялашга қўйиладиган талаблар, илм асосида меҳнатни ташкил қилиш ва атроф мухитни қўриқлаш;
6. Смета (кирим ва чиқим ҳисоби) нархи (қиймати) ва қурилиш муддати;
7. Лойиҳалаштириладиган объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари нисибий (удельноэ) капитал сарфлаш, маҳсулотнинг таннархи, меҳнат иш унумдорлиги;
8. Қурилиш майдонини танлаш асослари;
9. Қурилишни керакли материаллар билан таъминланиши;

VII. ГЛОССАРИЙ

Иборалар	Ўзбек тилида изоҳ	Инглиз тилида изоҳ
Автоматлаштирилган лойиҳалаштизими Computer Aided Design (CAD)	Автоматлаштирилган лойиҳалашни бажарувчи лойиҳаловчи ташкилот ёки мутахассислар жамоаси билан боғланган автоматлаштирилган лойиҳалаш воситаларининг мажмуидир.	This complex design automation Tools interconnected with a team of specialists (system users), perform computer-aided design
Лойиҳалаш Design	Объектнинг бирламчи баёни ва (ёки) уни мавжуд қиласиган алгоритм асосида берилган шароитда ҳам мавжуд бўлмаган объектни яратиш учун зарур бўлган баёнини тузиш жараёнидир.	The initial description of the object and (or) it is based on an algorithm that conditions are not given to the process is necessary to create a description of the item.
Математик таъминот Mathematic procuring	математик таъминоти асосини алгоритмлар ташкил қиласи ва бу алгоритмлар бўйича компьютерда лойиҳалаш тизимининг дастуравий таъминоти ишлаб чиқилади	the basics of mathematical algorithms, and these algorithms developed softwareprocuring
Информацион таъминоти information procuring	ложиҳалаш жараёнида лойиҳавий ечимларни бевосита ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган маълумотлар	the design process used to develop all information that directly
Техникавийтаъминот technic procuring	Автоматлаштирилган лойиҳалашни ибажариш учун мўлжалланган ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир қилувчи техникавий воситалар мажмуи	designed to perform automated designing a set of interconnected and mutually influencing technical facilities
лингвистик таъминот	Махсус тил воситалари (ложиҳалаш тиллари) ташкил қиласи	special language (design language)
График тизим	Чизма график ишлари учун мўлжалланган тизим	system for Drawing graphics
Ишчиграфик зона Workingflexiblezone	Бу экраннинг ўртасида жойлашган асосий жабха, у ерда чизма бажарилади	This is displayed in the main zone, there is a drawing done
меню файл filemenu	Чизмаларни очиш, сақлаш, чопқилиш, бошқа форматларга экспорт қилиш ва тизимдан чиқиш учун мўлжалланган	systems designed for drawings open, save, print, and export to other formats

Тузатыш менюси editmenu	Ишчи зонада чизма кесимларини таҳрир қилиш	changes to the structure of the work zone design
Кўриниш менюси viewmenu	экранни бошқариш, варақ ва модел маконлари режимларини узиб-улаш, уч ўлчамли моделлар учун кўриш нуқтасини ўрнатиш, тонировка қилиш, дисплей параметрларини бошқариш менюси	screen, sheet and off the plight model mode to connect to the installation point of view the three-dimensional models for tonirovka, the display settings menu
Бош меню Mainmenu	Системанинг командаларини юқлатиш учун хизмат қиласди	System installation service teams
Инструментлар панели Toolspanel	Системанинг командаларини бажарувчи тугмачалар жойлашган	System buttons acting teams
Компакт панель compactpanel	Бир қанча инструментлар панели вабиридан иккинчисига ўтиш тугмачалари жойлашган	A number of instruments panels and switch buttons
Хусусиятлар панели Propertiespanel	Объектни тузиш ёки таҳрирлаш ва созлаш учун хизмат қиласди	Will serve to set up and edit or create an object
Хабар беришкатори Reportstream	Жорий командага тегишли ёки ишчи ойнада курсор турган элемент хақида маълумот хосил бўлади	This team will be playing in the working window, the cursor of the information about the element
Махсусбошқариш панели Specialcontrol panel	Объектни яратиш, базавий объектни танлаш, Объектни автоматик тузиш каби маҳсус амалларни бажарувчи тугмачалар жойлашган	To select the basic objects to create an object, the object is automatically created specific steps, such as buttons

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар

1. AutoCAD and Its Applications Advanced 2014 Twenty first Edition, Textbook Edition by Terence M. Shumaker , David A. Madsen, Jeffrey A. Laurich, J. C. Malitzke, Craig P. Black. 54-бет.
2. Computer technology for textiles and apparel. Woodhead Publishing Limited, 2001. Edited by, Jinlian Hu. 204-бет.
3. Hans-Joachim Bungartz. Einführung in die Computergraphik. Springer. Germany, 2013.

Интернет ресурслари

1. www.expertiza.uz
2. www.uster.com
3. www.trutzschler.com
4. www.titli.uz